



Ободлик ва кўркамлик ҳар бир маҳалланинг юзи бўлиши керак

БУГУН «ЧИМБОЙ ГУЗАРИ» МАҲАЛЛАСИГА БОРГАН КИШИ БУ ЙИГНИНГ ИККИ ЙИЛ ОЛДИН ОГИР ҲУДУДЛАР СИРАСИГА КИРГАНИ, МАҲАЛЛАДА БИРОРТА ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТИ РИВОЖЛАНМАГАНИ, КЎЧАЛАР ЛОЙ ВА ТУПРОҚ БЎЛГАНИГА ИШОНМАЙДИ. БОИСИ МАҲАЛЛА МАНЗАРАСИ БУТКУЛ ЎЗГАРГАН. ШУНГА МОНАНД ҲУДУД ОДАМЛАРИНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ, ЯШАШ ШАРОИТИ, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ ЮКСАЛГАН



Саховат кунда керак, кўмак ҳар лаҳза зарур

Инсонлар тақдири турфа. Кимларгадир кулиб боққан ҳаёт, яна кимларнидир турли синовларга рўбарў қилган — оғир ёки бедаво дардга чалинган ёхуд маиший рўзгор ташвишларидан ортмай, ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналган, чорасиз. Бағрикенг, саховатпеша халқимиз оғир кунларда доимо бир-бирини суяган, бир майизни қирқ бўлиб, бирга баҳам кўрган.

2

Муаммолар ҳар бир рахбар, ҳар бир масъул назоратида

Аниқланган 1 580 дан зиёд масаланинг 1 210 дан ортиғи жойида ҳал қилинган бўлса, қолган муаммолар бўйича «йўл харитаси», туман, сектор ва маҳалла даражасидаги ҳар бир раҳбар, ҳар бир масъулнинг ҳар ҳафталик иш режаси ишлаб чиқилиб, назоратга олинди. Бу борадаги вазифалар натижадорлиги эса улар фаолиятига баҳо беришда асосий мезон бўлади.

4

Даромадли меҳнатга интилиш ва эҳтиёж ортган

«Аёллар дафтари»га рўйхатга олинган 66 нафар аёлнинг 11 нафарига субсидия асосида тикув машинаси берилиб, бандлиги таъминланди. Яна шунчасига имтиёзли кредит ажратилди. Натижада уларнинг молиявий аҳволи яхшиланди. Бир нафар ишсиз, 10 нафар боқувчиси йўқ ва 16 нафар I-II-гuruh ногиронлиги бор аёлларга моддий ёрдам кўрсатилди.

11

Қайси ҳудудлар «Туризм қишлоғи»га айлантирилади?

Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан 2019 йилдан эътиборан энг юқори туризм салоҳиятга эга бўлган фуқаролар йиғинлари (шаҳарча, қишлоқ, овуллар ҳамда шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларнинг маҳаллалари) рўйхати шакллантира бошланди.

16

Саховат кунда керак, кўмак ҳар лаҳза зарур

МЕХР ДУНЁНИ ҚУТҚАРАДИ. БИЗ БИР-БИРИМИЗГА БЎЛГАН ҲУРМАТ, ЭҲТИРОМ ЗАМИРИДА ҲАМ ШУ БУЮК ТУЙҒУ — МЕХР МУЖАССАМ. «КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАДИ», «ИНСОН ТАФТИНИ ИНСОН ОЛАДИ», ДЕГАН СЎЗЛАРНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ БУГУН ЯНАДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛЯПТИ



Январь ойнинг дастлабки ярмида кузатилган аномал совуқ ва қалин ёққан қор мамлакатимиз аҳолиси учун, айниқса, коммунал соҳалар — табиий газ, электр энергияси, ичимлик сув таъминоти, қўйинги, ҳаётимизнинг барча жабҳасида қийинчиликларни, муаммоларни юзага келтирди. Очиғи, юзага келган ана шу ҳолат халқимиз, юртдошларимиз сабр-бардошини, ҳамжиҳатлигини яна бир бор синовдан ўтказди.



Президентимиз раислигида жорий йил 16 январь куни киш мавсумида аҳолини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш бўйича кўрилатган чоралар юзасидан ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда аёзли кунларда маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари уйма-уй юриб, аҳолидан хабар олиши, «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан ёлғиз қариялар, кўп фарзандли эҳтиёжманд оилаларга иссиқ кийим, озиқ-овқат тарқатиш, энг оғир ҳолларда уларни шароити бор жойларга жойлаштириш, маҳаллаларда иссиқ овқат тарқатиш пунктларини ташкил этиш бўйича вазифалар топширилди.



Дунё синовли. Инсонлар тақдири турфа. Кимларгадир кулиб боққан ҳаёт, яна кимларнидир турли синовларга рўбарў қилган — оғир ёки бедаво дардга чалинган ёхуд маиший рўзғор ташвишларидан ортмай, ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналган, чорасиз. Бағрикенг, саховатпеша халқимиз оғир кунларда доимо бир-бирини суюган, бир майизни қирқ бўлиб, бирга баҳам кўрган. Айни кунларда ҳам саховатпеша инсонларимиз, турли идора ва ташкилотлар томонидан ана шундай хайрли ишлар амалга оширилиб, кўплаб ночор, кўнгли ярим инсонларга қувонч бахш этилмоқда.



Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги жамоаси ҳар доимгидек, мазкур жараёнларда ташаббус ва фаоллик кўрсатмоқда. Биргина Тошкент шаҳри мисолида оладиган бўлсак, мавжуд 12 та туманининг барчасида Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қув-

ватлаш бўлимлари ва Маҳаллабай ишлаш марказлари ходимларидан иборат махсус штаб ташкил этилди. Штаб аъзолари ҳар куни туманлардаги маҳаллаларга чиқиб, йиғин фаоллари билан кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бор, бемор, яққа-ёлғиз фуқаролар ҳолидан хабар олишди. Оилаларга иссиқ кўрпа, иссиқ пайпоқ, болалар, аёллар, эркаклар куртқалари тарқатилди.

Мисол учун, Яшнобод туманидаги ўрганишларда «Тарновбоши» маҳалласида истиқомат қилувчи Сабоҳат Зиёмовага иссиқ куртқа ва пайпоқ, Ҳосият Қодировага иссиқ кўрпа, пайпоқ ва аёллар куртқаси, Розия Калдибековага куртқа ва иссиқ пайпоқ тақдим этилди. Эҳтиёжманд, муҳтожларга кўрсатилган бундай эътибор, эъзоз ва ғамхўрлик меҳр-оқибат туйғуларини янада юксалтирди.

— Очиғи, қишнинг қаттиқ келганидан қийналиб ўтиргандик, — дейди «Тарновбоши» маҳалласида яшовчи Ҳосият Қодирова. — Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъулларининг уйимизга келиб ҳолимиздан хабар олгани, иссиқ кийимлар тақдим этганидан бағоятда хурсандман. Бунгача ҳам маҳалла фаоллари оиламиздан доимий хабар олиб туришган эди. Шундай синовли кунларда бундай ғамхўрлик кўрсатилиши кишига ўзгача енгиллик берар экан. Ташаббус бошида турганлардан миннатдоримиз.

Меҳр дунёни қутқаради. Биз бир-биримизга бўлган ҳурмат, эҳтиром замирида ҳам шу буюк туйғу — меҳр мужассам. «КўнгиЛ кўнгиЛдан сув ичади», «Инсон тафтини инсон олади», деган сўзларнинг қадр-қиммати бугун янада яққол намоён бўляпти. Буни маҳаллаларда эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилган эътибор яна бир қарра исботлади.

— Тошкент шаҳри маҳаллаларида истиқомат қилувчи ёрдамга муҳтож хонадонларга кўмак бериш мақсадида ташкил этилган ушбу саховат тадбирида фуқароларга иссиқ кийим ва кўрпалар етказиб берилди, — дейди Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги мутахассиси Тўлқин Тоғайқулов. — Жумладан, ушбу тадбир Олмазор туманида юқори суръатларда олиб борилди. Айтиш керакки, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобига шакллантирилган кўрпа ва иссиқ кийимлар ҳар бир туманда Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, Маҳаллабай ишлаш маркази раҳбари ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлими раҳбари имзоси билан тегишли маҳаллаларга тарқатилган бўлса, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари ҳамкорликда рўйхат асосида эгаларига етказилди. Жумладан, ўзим масъул этиб белгиланган Олмазор туманида 506 нафар фуқарога пайпоқ, 210 нафарига қизлар куртқаси, 65 нафарига ўсмир қизлар ва катта ёшли аёллар куртқаси, 317 нафар юртдошимизга ўғил болалар ва эркаклар куртқаси, 265 нафар инсонга кўрпа тарқатилди.

Вазирлик масъуллари Чилонзор тумани маҳаллаларидаги қийналган ҳар бир хонадонга кириб боришга ҳаракат қилди, ҳар битта эҳтиёжманд оила вакилининг кўнглини олишга, дардини енгиллатишга интилди. Бу жараёнда, мисол учун, «Навбахор» маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Игорь Грищенко, Р.Муродовга иссиқ кўрпа берилди.

— Меҳр-оқибат йўллари туташган синовли кунларда одамларимиз бир-бирини оғир дамларда суюшга, қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда, — дейди «Навбахор» маҳалласида яшовчи Р.Муродов. — Буни ўзим мисолимда кўриб, кузатиб турибман. Маҳалла тизими ходимларининг ташрифидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Синовли кунларда кимнинг қандай ёрдам бергани, уйингга нима олиб келгани муҳим бўлмас экан, асосийси, эътибордан, ғамхўрликдан четда эмаслигини ҳис қилишнинг ўзи катта бахт. Юртдошларимиздаги хайр-саховат, меҳр-оқибат туйғуларига асло кўз тегмасин.

Аслида, озгина эътибор инсон кўнглини тоғдек кўтарса, ғамхўрлик ва ширин сўз руҳиятга қувват бағишлайди. Халқимиз барча даврларда, ҳар қандай ташвишу қувончда бир-бирига елкадош бўлган, синовлардан эсон-омон ўтган. Бугунги синовли кунларни ҳам ҳамжиҳатлик билан енгизиш шубҳасиз.



ХУДУДА ЯШОВЧИ 161 НАФАР ФУҚАРОНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, 27 НАФАРИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИЛДИ, 32 НАФАРИГА ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ ТАЙИНЛАНДИ ВА 88 НАФАРИ ЖАМОАТ ИШЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛИНДИ



Сардобадаги ўрганишлар қандай натижа берди?

Республика ишчи гуруҳининг Сирдарё вилояти Сардоба туманида олиб борган ўн кунлик фаолияти ниҳоясига етди. Гуруҳ фаолияти аҳоли муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни маҳаллалар кесимида «хонадонбай» ўрганишга, аниқланган муаммоларнинг ечимини ўз жойида топишга қаратилди.

техник кўриқдан ўтказилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорликка йўналтириш масалалари Ишчи гуруҳ аъзолари эътибори марказида бўлди. Худудда яшовчи 161 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, 27 нафари касб-хунарга йўналтирилди, 32 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди ва 88 нафари жамоат ишларига жалб қилинди.

Худуддаги 15 та маҳаллада 9 мингдан зиёд хонадондаги муаммолар, ижтимоий соҳа объектлари хатловдан ўтказилди. Мазкур амалий ишлар орқали туман инфратузилмасини яхшилаш, таълим ва соғлиқни сақлаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш каби йўналишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Туманда аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 6 та янги трансформатор, 87 та темир-бетон устунлар ўрнатилди, 2,9 км. электр тармоғи янгидан тортилди, 7 та трансформатор, 3,2 км. юқори ва ўрта кучлиниши электр тармоғи таъмирланди.

Республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганишлар давомида аниқланган носоз кўчалар эндиликда тартибга келтирилди. Деярли 15 км. ички йўллар таъмирланди. Шундан 3,3 км. йўлга цемент-бетон қоплама, 2,3 км.га асфальт қилинди ҳамда 9,2 км. йўлга кум-шағал ётқизилди.

Ўрганишлар давомида 243 та истеъмолчининг газ жиҳозлари таъмирланди, 40 та газ тақсимлаш пункти ва 4 024 та аҳоли хонадонидagi газ жиҳозлари

3-, 10- ва 22-сонли умумтаълим мактабларига 15 кв. қувватига эга бўлган жами 240 млн. сўмлик замонавий қуёш панеллари олиб келинди. Қатор таълим масканларига 1.7 млрд. сўмлик замонавий электрон доскалар, компьютер жамланмалари ва сенсорли мониторлар топширилди. Ўн битта мактабга 300 дона бадий адабиётлар тўплами, спорт анжомлари етказиб берилди.

Шу билан бирга, Республика ишчи гуруҳи томонидан аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2 701 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди. 174 нафари вилоят ва туман шифохоналарига ётқизилди, 4 нафари республикадан жалб этилган мутахассислар томонидан юқори технологик операция қилинди, 84 нафарига даволаниш учун имтиёзли ордер берилиб, 202 нафар фуқаро бепул дори воситалари билан таъминланди.

Ўрганишлар давомида аниқланган худуддаги 97 та кам таъминланган оилага зарур озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами ва иссиқ кийимлар берилди. Маҳаллаларда кўчма савдо дўконлари ташкил этилиб, аҳолига арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва кўмир сотилиши ташкил қилинди.

Ишчи гуруҳининг Сардоба туманидаги бу галги ўрганишлари ана шундай самарали бўлди. Энг муҳими, инсонларнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланди. Зеро, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида ягона мақсад — инсон ва унинг манфаатлари мужассамдир.

Республика ишчи гуруҳи.

БУГУННИНГ ГАПИ

Коммунал хизматда камчилик бўлса, ҳаққини ким тўлайди?

Сўнги кунларда республикада худудларида ҳаво ҳарорати кескин совиб кетиши натижасида аҳолига иссиқ сув, иссиқлик, газ ва электр энергияси белгиланган ҳажм ва сифат талабларига мувофиқ бўлмаган даражада ёки умуман етказиб берилмаётгани ҳолатлари юзага келмоқда. Хўш, шундай вазиятда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинади?



Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси маълумотида кўра, маҳаллаларга чиққан ҳолда барча табиий газ, электр ҳамда иссиқлик энергияси таъминоти корхоналари томонидан белгиланган ҳажм ва сифат талабларига мувофиқ бўлмаган хизматлари юзасидан тўловлар ундирмаслик бўйича огоҳлантиришлар берилган бўлиб, ижроси назорат қилинмоқда. Тошкент шаҳрида ва республикамизнинг барча худудларида истеъмолчиларга коммунал хизматлар етказиб бериш ҳолатлари батафсил ўрганилиб, сифат кўрсаткичлари давлат стандартлари меъёрларига мувофиқ бўлмаган хизматлар бўйича ҳар бир ҳолат алоҳида ўрганилади ва тўловларни қайта ҳисоб-китоб қилиш чоралари кўриб чиқилади.

Демак, агар таъминотчи корхона сизга белгиланган ҳажм ва сифат талабларига мувофиқ бўлмаган табиий газ, электр ва иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув учун асоссиз тўлов талаб қилса, рад этишга ҳақлисиз. Ёки қарздорлик ҳисобланиши ҳолатларига дуч келсангиз, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ва унинг худудий бошқармаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Эслатиб ўтамай, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонуннинг 19-моддасида асосан, ижрочи хизматлар кўрсатиш қоидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда ва сифатда хизмат кўрсатиши шартлиги, 20-моддасида ижрочи билан ҳар қандай истеъмолчи хизматнинг нуқсонли тўғрисида етказилган зарар қоплашини талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. 21-моддада ижрочи кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмаслиги бўйича талаблар ҳам мавжуд.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги тегишли қарори билан тасдиқланган Қоидага асосан, истеъмолчига иссиқлик энергиясини етказиб бермаган ёки тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаган ҳолларда тўлов миқдори қайта ҳисоб-китоб қилинади. Ҳуқуматнинг 2018 йил 12 январдаги тегишли қарори билан тасдиқланган Қоидаларга биноан, истеъмолчи электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарларни, табиий газ узатиш тўхтатилиши натижасида вужудга келган зарарни қоплашни талаб этиш ҳуқуқига эга.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Таҳририятдан: Кўмита истеъмолчилар юзага келган муаммолар бўйича мурожаатлар учун телефон рақамларини эълон қилган. Жумладан, Тошкент шаҳрида яшовчилар 71 233-76-86 рақамига қўнғироқ қилиши сўралган. Биз бир неча бор бу рақамга уланишга ҳаракат қилдик, аммо жавоб бўлмади. Агар бу рақамлар номигагина ташкил қилиниб, амалда фуқароларга фойдасиз бўлса, уни ташкил этишда қандай маъно бор? Пойтахтда вазият шундай бўлгач, бошқа вилоятлардаги ҳолатни тасаввур қилаверинг...



Муаммолар ҳар бир раҳбар, ҳар бир масъул назоратида

**РЕСПУБЛИКА ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛАЛАРИДАГИ
ИШЛАРИ САМАРАЛИ БЎЛДИ**

Президент ташаббуси билан жорий этилган аҳоли билан ишлашнинг янги тизими фуқароларнинг кўплаб муаммоларига тезкор ечим топишда қўл келди. Жумладан, қишқировли кунларда биргина Арнасойнинг марказий ва ички йўллари қор-яхмакдан тозалаш, аҳолининг электр энергияси, газ, кўмир, ичимлик суви билан боғлиқ энг бирламчи ҳаётий масалаларини ҳал қилишга асосий эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, 660 тонна кўмир олиб келиниб, биринчи навбатда, эҳтиёжманд, кўп болали оилаларга тарқатилди.

«Олтин водий» маҳалласидаги марказий сув узатиш иншоотидаги иккита насос агрегати таъмирланиб, қайта ишга туширилиши билан маҳаллаларда ичимлик сув босими кучайтирилиб, сув таъминоти барқарорлаштирилди. Айниқса, «Бўстон», «Бахтли», «Зарафшон» маҳаллаларидаги салкам мингга яқин хўжалик томорқасига оби-ҳаёт етказиш учун янги ирригация тизими барпо қилишга киришилгани билан жами 48 та маҳалла аҳолисининг 30-35 йиллик орзу-армонлари ушаладиган бўлди. Мухими, бу билан мингга яқин томорқада экин униб, уларнинг рўзғорига янада барака қиради.

«Бахтли» маҳалласи аҳолиси мурожаатларига асосан, қишлоқдаги зовур устида ички имкониятлар ҳисобидан янги кўприк қуриб бериш ишлари бошлангани кўпнинг кучи бирлашаётганига яхши мисолдир.

Эътиборлиси, арнасойлик фаоллар, нурунийлар, тадбиркорлар ташаббус билан чиқишиб, қишлоқ-маҳаллалардаги бу каби муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатишга қарор қилишди. Тўлиқ ички имкониятлар ҳисобидан амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ҳудудлар қиёфасини янгилашда ҳам, аҳоли турмуш шароитини яхшилашда ҳам қўшимча қувват бўлади.

Республика ишчи гуруҳининг асосий фаолият йўналишларидан яна бири – аҳоли дастурхони тўқинлиги рўзғори бутлигини таъминлаш, ишсиз инсонлар учун доимий иш ва барқарор даромад манбаи яратиш учун амалий ёрдам беришдан иборат. Тумандаги «Arnasoy Gold Tex» қўшма корхонасидаги ўрганишлар бу корхонанинг тўлиқ қувват билан ишлаши таъминланса, шу ерда мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш имкони борлигини кўрсатди. Корхона босқичма-босқич тўла қувват билан ишлашига ташкилий-ҳуқуқий ёрдам бериш, вилоят ва республика даражасидаги масалаларини ҳал қилишга амалий кўмак кўрсатиш бўйича вазифалар белгиланди. Тумандаги ишсиз хотин-қизлар корхонадаги шарт-шароитлар, иш ҳақи, имтиёзлар ва меҳнат жараёни билан яқиндан таништирилди, ўнлаб аёллар шу ерда ишлаш истагини билдирди.

Бундан ташқари, тикувчиликка ўқуви бор, бироқ оғир ижтимоий аҳволдаги 121 нафар хотин-қизга уйда ишлаб даромад топиши учун

субсидия ҳисобидан тикув машиналари, пишириқ пишириш печлари ва бошқа иш анжомлари олиб берилган бўлса, яна 165 нафар мурожаатчиға жами 1 млрд. сўмлик субсидия ҳисобидан меҳнат қуроллари олиши учун тавсияномалар берилди. «Бўстон» маҳалласи Ахиллобод кўчасида яшовчи боқувчисини йўқотган Гўлсум Жумашеваға ҳам тикув машинаси берилиб, унинг тикувчилик сир-асорини янада пухта ўрганиши доимий ишлаб даромад топиши учун лидер тадбиркорлардан бирига қасаначи сифатида бириктирилгани бу аёлға ҳам уч фарзандини улғайтиришида яхшигина ёрдам бўлди.

200 нафардан зиёд мурожаатчиға жами 3,3 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилиши таъминланди. «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Нилуфар Эгамбердиева, «Бобур» маҳалласидан Очилой Сапаралиева сингари кўплаб боқувчисини йўқотган аёллар ва фарзандларига соғин сигирлар олиб берилгани уларга катта мадад бўлди.

Оғир турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизлар ва ёшлар муаммоларини ҳал қилиш, ижтимоий ҳимояға муҳтож инсонлар уй-жойларини таъмирлаш, аҳолиға моддий ёрдам кўрсатиш учун маҳаллий бюджетдан 1,7 млрд. сўм маблағ ажратилиб, «Бўстон» маҳалласи Ахиллобод кўчасида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Гўзал Қодирова, «Бахтли» маҳалласидаги Шоира Болибекова сингари ўнлаб оғир ижтимоий аҳволдаги аёллар уй-жойларини таъмирлаш ишлари бошланди.

Тиббий кўриклар натижасида хасталик аниқланган 26 нафар бемор вилоят ва туман шифохоналарига ётқизилган бўлса, ногиронлиги бор 13 нафар инсон аравачалар ва реабилитация воситалари билан таъминланди.

Хулоса қиладиган бўлсак, давлатимиз раҳбари топшириғи асосида тузилган Республика ишчи гуруҳи Арнасойнинг 13 та маҳалласидаги 6 830 та хонадону 960 дан зиёд объектларда уйма-уй ўрганишлар олиб борди. Аниқланган 1 580 дан зиёд масаланинг 1 210 дан ортиғи жойида ҳал қилинган бўлса, ногиронлиги бор бўйича «йўл харитаси», туман, сектор ва маҳалла даражасидаги ҳар бир раҳбар, ҳар бир масъулнинг ҳар ҳафталик иш режаси ишлаб чиқи-либ, назоратға олинди. Бу борадаги вазифалар натижадорлиги эса улар фаолиятиға баҳо беришда асосий мезон бўлади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Уйма-уй тиббий кўрик ўтказилди



Жиззах вилояти маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида аҳоли муаммолари уйма-уй юриб ўрганилмоқда. Аниқланган камчиликлар мутасаддилар кўмагида ҳал этиляпти. Бу жараёнда «маҳаллабай» ишлаш тизими катта самара беряпти, албатта.

Янгиобод туманининг Хўжамушкент қишлоқ фуқаролар йиғинида туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари иштирокида тиббий кўрик ташкил этилди. Унда туман тиббиёт бирлашмасининг малакали шифокорлари ҳудуддаги «Аёллар дафтари» ва «Темир дафтар»даги фуқароларни уйма-уй юрган ҳолда тиббий кўриқдан ўтказишди.

Тиббий кўрик ўтказиш билан бирга, ҳозирги вақтда кенг тарқалган диабет ва юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, профилактика қилиш ва даволаш усуллари, соғлом турмуш тарзи ва фаол жисмоний ҳаракатнинг инсон саломатлиғига ҳиссаси тўғрисида тушунтирилди.

Мухбиримиз.



Ободлик ва кўркамлик ҳар бир маҳалланинг юзи бўлиши керак

БУГУН «ЧИМБОЙ ГУЗАРИ» МАҲАЛЛАСИГА БОРГАН КИШИ БУ ЙИГИННИНГ ИККИ ЙИЛ ОЛДИН ОҒИР ҲУДУДЛАР СИРАСИГА КИРГАНИ, МАҲАЛЛАДА БИРОРТА ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТИ РИВОЖЛАНМАГАНИ, КЎЧАЛАР ЛОЙ ВА ТУПРОҚ БЎЛГАНИГА ИШОНМАЙДИ. БОИСИ МАҲАЛЛА МАНЗАРАСИ БУТКУЛ ЎЗГАРГАН. ШУНГА МОНАНД ҲУДУД ОДАМЛАРИНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ, ЯШАШ ШАРОИТИ, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ ЮКСАЛГАН

Ўтган йил бошида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида ижтимоий-иқтисодий муаммолар қуршовидаги 101 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғини рўйхати шакллантирилган эди. Мазкур ҳудудларда «Обод маҳалла» ва «Обод қишлоқ» дастурлари доирасида кенг кўламли ишлар олиб борилди ва мазкур жараён ҳозирги кунда давом этаётди. Жумладан, Нукус шаҳридаги «Чимбой гузари» маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик, ободончилик ишларидан сўнг ҳудуд кўркам қиёфа касб этди.

Маълумотларга кўра, мазкур маҳаллага одамлар 2000-йиллардан ўрнаша бошлаган. Йиғин шу вақтгача оғир ҳудудлар рўйхатига киритилган. Чунки бу ерда ижтимоий инфратузилма деярли ривожланмаган. Электр, газ, ичимлик сув таъминотидаги қийинчиликлар ўзига яраша бўлиб, ички йўлларда, ҳатто энгил автоуловда ҳаракатланиш имконияти бўлмаган. Аҳоли, айниқса, мактаб, боғча болалари қишда лой, ёзда тупроқ кечига мажбур эди. Ҳозирда маҳалла аҳолиси 14 мингдан ошган. Бу ерда ижтимоий инфратузилмани яхшилаш масаласи долзарб бўлиб борди.

Мана шундай камчиликларни қисқа фурсатда бартараф қилиш учун барча йўналишларда бир вақтнинг ўзида ҳаракатлар бошланди. Маҳалладаги электр тармоқлари янгиланди, жойларга трансформатор ва устунлар ўрнатилди, йўллар бўйлаб пиёдалар йўлакчаси қурилди. Кичкинтойлар учун болалар майдончалари барпо этилди. Ариқлар тозаланиб, дарактлар экилди. Масъул ташкилотлар ва қурувчилар томонидан қарийб 40 километр йўллар, ички кўчаларга қум-тош аралашмаси ётқизиблиб, йўллар пиёда ва машиналар юриши учун қулай ва кўркам ҳолатга келтирилди.

— Бугун маҳалламиз ҳаётидаги ўзгаришлардан бошимиз осмонда, — дейди маҳалла

фаоли Жолдас ота Оралбаев. — Тўғриси, олдинлари, айниқса, ҳозиргидек қиш мавсумида болаларнинг мактабга бориб келиши ота-оналар учун бир ташвиш эди. Бугун эса кўча ва йўлларимиз соз ҳолатга келтирилган, бу барчага бирдек қулайлик яратди. Қолаверса, ҳудуддаги 950 та темир-бетон устунлари, 25 километр электр тармоғи линиялари ва 9 та трансформатор янгиланди. 19,5 километр ичимлик сув қувурлари ётқизиблиб, 945 та сув ҳисоблагич ўрнатилди. Газ таъминоти яхшилаш бўйича 26 та газ тақсимлаш пункти таъмирланди.

Жараёнда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Боиси маҳаллада иш жойи ва тиббий хизмат йўқ эди. Шу боис энгил конструкциядан тўқимачилик корхонаси ташкил этилди. Бу ерда 300 нафардан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланди. Томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида хонадонларга иссиқхоналар қуриб берилди.

— Маҳалламиз 2019 йил ноябрь ойида ташкил этилган бўлиб, шу йилдан буюн мазкур йиғинда раис сифатида фаолият юритиб келмоқдаман, — дейди маҳалла раиси **Комила Жумашева.** — Ўтган йили амалга оширилган «Обод маҳалла» дастури доирасида ҳудуд буткул янгича қиёфа касб этди.

Айни шу жараёнлар кетаётган бир пайтда Президент Шавкат Мирзиёевнинг маҳалламизга ташрифи одамларимиз кўнглини тоғдек кўтарди, бунёдкорлик ишларига ривож берди. Турли ташкилотлар ходимлари билан бирга маҳалла аҳлининг ўзи ҳам бу ишларда жонбозлик кўрсатди. Мана, бугун маҳалламиз обод ва кўркам масканга айланди. Албатта, ҳали қилиниши керак бўлган ишларимиз кўп. Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш, «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойилини кенг жорий этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, номли дафтарлардаги фуқароларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларимизни ҳам-жиҳатликда давом эттиряпмиз.

Айтиш керакки, Президент Шавкат Мирзиёев «Чимбой гузари» маҳалласида «Обод маҳалла» дастури доирасида амалга оширилган ишлар билан танишиш баробарида Қорақалпоғис-

тон марказида ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғир еттига маҳалла борлигини таъкидлаб, уларни обод қилиш, йўлини, сувини, электр энергияни яхшилаш, бир сўз билан айтганда, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш юзасидан кўрсатмалар берган эди.

Айни топшириқ ижроси доирасида «Жеке терек», «Қизилқум», «Қум овул», «Қутли макон», «Қўсқўл», «Бўз овул» ва «Теле орай» маҳалла фуқаролар йиғинларида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бир томонда ичимлик сув қувурлари ётқизилган бўлса, бошқа томонда кўчаларга шағал-тош тўшалди, яна бирида симёғочлар темир-бетонларга алмаштирилиб, электр линиялари янгиланди. Умуман, бунёдкорлик ишлари натижасида маҳаллалар янгича қиёфага кирди.

Бугун «Чимбой гузари» маҳалласига борган киши бу йиғиннинг икки йил олдин оғир ҳудудлар сирасига киргани, маҳаллада бирорта инфратузилма объекти ривожланмагани, кўчалар лой ва тупроқ бўлганига ишонмайди. Боиси маҳалла манзараси буткул ўзгарган. Шунга монанд ҳудуд одамларининг турмуш тарзи, яшаш шароити, эртанги кунга ишончи юксалган. Айни кез уларнинг ҳар бири тадбиркорликни йўлга қўйиш, маҳаллодoshларини ишли қилиш, янгилик яратиш иштиёқи билан банд.

Санжар ИСМАТОВ.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ҳам ишлаб, ҳам киракашлик қилса бўладими?



— Киракашлик қилман, ўзини ўзи банд қилган киши сифатида рўйхатдан ўтганман. Айтингчи, ҳозирги шароитда бирорта ташкилотга ишга киришим мумкинми? Ишга қирадиган бўлсам, ўзини ўзи банд қилган соҳам бўйича ҳам фаолият юритсам бўладими?

Нуриддин ШАРИПОВ.
Тошкент шаҳри.

Наргиза ФАХРИДИНОВА, юрист:

— Ўзини ўзи банд қилган шахслар бемалол бирор-бир ташкилотга ишга кириб, меҳнат шартномаси тузишлари мумкин. Лекин бу ҳолатда улар ўзини ўзи банд қилган шахслар мақомини йўқотади (таксистерлар бундан мустасно).

«Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддаси 4-қисмига кўра, ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатга олинган шахслар ўз

фаолиятида ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланишга, шунингдек иш берувчига эга бўлишга ҳақли эмас. Ушбу талабларга риоя этилмаган тақдирда, ўзини ўзи банд қилган шахслар ўзини ўзи банд қилган шахслар мақомини йўқотади.

Фақат бир истисно мавжуд. Президентнинг 2022 йил 7 июлдаги «Автотранспорт воситаларини бошқаришда ва йўналишсиз такси фаолиятини амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида»-

ги қарорига кўра, бошқа соҳаларда меҳнат шартномасига асосан банд бўлган шахслар бир вақтнинг ўзида йўловчиларни энгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти билан ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда шуғулланишлари мумкин.

Демак, сизнинг вазиятингизда бирор ташкилотга ишга кирсангиз, ўзини ўзи банд қилган соҳангиз бўйича ҳам ишлаш имконияти мавжуд.



«Ишончни оқлаш осон эмас, аммо...»

2022 йилда барча кўчалар асфальтланди, симёғоч бетон устунларга алмаштирилиб, замонавий ёритгичлар ўрнатилди, хонадонларга тоза ичимлик суви кирди

Халқ билдирган ишончни оқлаш, оқсоқол, деган номга муносиб бўлиш осон эмас. Айниқса, кўпчилик билан ишлаш ўзига яраша масъулият юклайди.

«Чорбоғ» маҳалласида раислик қиламан. Маҳалламизда 515 та хонадон, 857 та оила, 3 056 нафар аҳоли мавжуд. Фуқаролар йиғинимиз кейинги йилларда янгиланиш сари юз буриб, тумандаги энг илғор ва озода манзиллар қаторидан жой олди.

Бу ишлар янада самарали бўлишида ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори билан биргаликда, ҳамжиҳатликда фаолият олиб борганимиз қўл келди.

2022 йилда барча кўчалар асфальтланди, симёғоч бетон устунларга алмаштирилиб, замонавий ёритгичлар ўрнатилди, хонадонларга тоза ичимлик суви кирди. Аниқ мисолларга мурожаат қилсак, Гўзал кўчасида электр таъминотини узлуксизлигини таъминлаш учун 160 кВа. кучланишли, Тонг юлдузи кўчасининг сой бўйи ҳудуди ҳам янги 100 кВа. кучланишли трансформатор ўрнатилди. Эски ёғоч устунлар темир бетон таянч устунларга алмаштирилиб, 2 200 метр янги электр тармоқлари тортилди. Бу билан жами 203 та хонадондаги электр таъминотидаги муаммо бартараф этилди.

Саховат ва Гўзал кўчалари асфальтланди. Тонг юлдузи кўчасининг 2,8 км. масофасига майда тошлар тўкилди. Айнан шу кўчаларга маҳалла ташаббуси билан ҳомийлар жалб қилиниб, жами 42 та тунги ёритиш чироклари ўрнатилди. Гўзал кўчасига 2,6 км. янги ичимлик суви тармоғи тортилиб, аҳолининг ичимлик сувидан бўлган кўп йиллик муаммоси

бартараф этилди. Эътиборлиси, қиш кунларида аҳолининг узоғини яқин қилиш мақсадида арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Сир эмас, бугун ҳудудлардаги энг катта муаммо — ишсизлик. Бу муаммога ечим топиш учун ҳам «бешлик» ҳамкорликда уйма-уй юриб, аҳоли яшаш тарзи, турмуш шароити билан танишдик. Эҳтиёжмандлар, ишсиз фуқаролар, ногирон ва кексалар, ёшлар рўйхати шакллантирилди. Шу асосида режа тузиб, манзилли ёрдам кўрсатилди.

Маҳалламиздаги 18 нафар хотин-қизга кўрсатилган кўмак натижасида улар тадбиркорлик субъектлари очиб, тикувчилик, касаначилик йўналишлари бўйича фаолият бошлади. Янги иш ўринлари пайдо бўлиб, 26 нафар опа-сингилларимиз иш билан таъминланди.

Тонг юлдузи кўчасидаги 18-уйда яшовчи Салима Қосимова ва Саховат кўчасидаги

87-уйда яшовчи Моҳира Юсуповаларга ногиронлик аравачалари, Саховат кўчасида яшовчи Назирахон Муртазоевага эшитиш мосламаси берилди. 22 нафар аёл турли хил йўналишлар бўйича касб-хунарга ўқитилиб, сертификат олишди. Ҳозирда улар ўз йўналишлари бўйича фаолият юритмоқда. Маҳаллада яшовчи 16 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит олишда кўмаклашилди ва бандлиги таъминланди. Умумий ҳисобда иссиқхона, тикувчилик, чорвачилик йўналишларида иш бошламоқчи бўлган 25 нафар талабгорга 985,6 млн. сўм имтиёзли кредит олиб берилди. Бундан ташқари, 126 нафар маҳалладошимиз давлат ташкилотларига ишга жойлаштирилди, 85 нафар фуқарога ер ажратилиб, бандлиги таъминланди.

Шунингдек, ишсиз сифатида рўйхатга олинган 31 нафар маҳалладошимиз тикувчилик, пазандалик каби йўналишларда касб-хунарга ўқитилди. Кам таъминланган 8 нафар фуқарога субсидия асосида тикув машиналари ва лидер тадбиркор билан биргаликда улушдор бўлиб ишлари учун 3 млн. сўмдан пул маблағлари берилди. «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан 8 нафар кам таъминланган ёшларга 16 млн. сўм шартнома тўловлари тўланди.

Маъруфхон ЭШОНХУЖАЕВ, Косонсой туманидаги «Чорбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ташаббус қулайлик яратди



Наманган тумани «Олахамак» маҳалласида ташкил этилган навбатдаги қабулда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва тезкор ҳал этишга катта эътибор берилмоқда.

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси билан Мухайё Камоловага ҳомийлар ҳисобидан бир тонна кўмир ва ўтин етказилди. Одина Отабоева, Орзухон Жалолова «Аёллар дафтари»га рўйхатга олиниб, «Олахамак» мономарказида чеварчилик йўналиши бўйича ўқишга йўналтирилди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида тоза ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари тез орада якунига етиши маълум қилинди.

Шунингдек, «Шўркўрғон» маҳалласининг Янгиобод кўчаси аҳоли юриши учун жуда ноқулай аҳволга келиб қолганди. Маҳалла раиси Шухрат Халиловнинг ташаббуси билан 1000 метр масофа шағалланди.

Мухбиримиз.

Субҳонали Нишонов Фарғона вилояти Сўх туманидаги «Ҳазрати Али» маҳалласи котиблигидан раислигига босиб ўтган йўлда не-не машаққатларни кўрмади, дейсиз. Ҳаммасига ҳалол меҳнати ва ҳаракати, интилиши орқали эришди. Тиниб-тинчимайдиган қаҳрамонимиз бошчилигида маҳалла ҳудудида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.



Астойдил қилинган меҳнат, албатта, самара беради

«ҲАЗРАТИ АЛИ» МАҚБАРАСИ МАҲАЛЛА РАИСИНИНГ ЕТТИ МИЛЛИОН СЎМ ШАХСИЙ МАБЛАҒИГА ТАЪМИРЛАНДИ. МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОР В.ТҶИЧИЕВ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ ОЛИБ КЕЛДИ. ЮЛДУЗХОН НИШОНОВА ҲАЖ ЗИЁРАТИ УЧУН ТўПЛАГАН ЎТТИЗ БЕШ МИЛЛИОН СЎМ МАБЛАҒИНИ ЎЗ КўЧАСИНИ АСФАЛЬТЛАШГА САРФЛАДИ

Шу билан бирга, Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган «Энг яхши маҳалла раиси» кўрик-танловида фаол қатнашди. Натижаларга кўра, 3-ўринни эгаллаб, диплом ва 20 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Фидойи раис «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонига муносиб кўрилган.

— Қилинган саъй-ҳаракатлар, ҳалол меҳнат ёш маҳалла раисини ҳамкасблари ўртасида ифтихор этадиган даражага кўтарди, халқ хизмати йўлидаги камтарона хизматларимиз юксак баҳоланди, — дейди **С.Нишонов**. — Бундан беҳад миннатдорман. Албатта, келгуси ишларимизда амалий натижаларни ошириб, халқни рози қилиш йўлидаги ислохотларда иштирокимиз янада фаоллашади.

Кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотган фуқароларга шу кунларда бепул етти хил озиқ-овқат, ун, ёғ ва қиш мавсумида кўмир маҳсулоти етказиб берилди. Шунингдек, аҳоли муаммолари «хонадонбай» ўрганилиб, жойида бартираф этилмоқда. «Ҳазрати Али» мақбараси маҳалла раисининг етти миллион сўм шахсий маблағи ҳисобига таъмирланди. 350 миллион

маблағ сарфланиб, зиёратгоҳда кутубхона, таҳоратхона ва меҳмонхона қуриб, фойдаланишга топширилди. Маҳаллий тадбиркор В.Тўйчиев ўз маблағлари ҳисобига тоза ичимлик сув олиб келди. Натижада 53 та хонадонга обиҳаёт кириб борди.

Маҳалла раиси аҳоли мурожаатларига жиддий эътибор қаратади. Ўтган йил

давонида 72 та мурожаат келиб тушган бўлса, барчаси ижобий ҳал этилган. 17 нафар хотин-қиз аризасига кўра «Аёлар дафтари»га киритилди, 6 нафарига кредит олишда кўмаклашилди. Маҳалладаги Жўй ариги булоқ бошисига тўғон қуриш ва маҳалланинг кириш қисмига дарвоза ўрнатиш учун 30 миллион сўм сарфланди. «Яшил макон» умуммиллий ҳаркати асосида маҳаллада 5 минг туپ кўчат экилди. Ёшларни доимий иш билан таъминлаш мақсадида раис ташаббуси билан Қулақо мавзесига Ёшлар саннат зонаси қурилди. Натижада 250 нафар ёш доимий иш билан таъминланди. Муслима Бобоева хонадони таъмирлаб берилди. «Темир дафтарда»-ги Сарвиноз Аюбованинг уй қурилиши учун 10 миллион сўм маблағ ажратилди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, «Ҳазрати Али» маҳалласи, гарчи вилоятнинг олис туманида жойлашган бўлса-да, аҳолининг аҳиллиги ва маҳалла раисининг ташаббускорлиги боис янада чирой очиб бормоқда. Энг муҳими, бажарилаётган ишлардан фуқаролар гоёта дамун.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

10 000 га яқин хонадон хатловдан ўтказилди



Сардоба туманида ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғир бўлган маҳаллалардаги муаммолар хонадонма-хонадон ўрганилиб, жойида ҳал қилинмоқда. Бугунги кунга қадар тумандаги мавжуд 9 938 та хонадон тўлиқ хатловдан ўтказилди.

Хатлов натижаларига кўра, «Халқобод» маҳалласидаги 860 метр ички йўллар ҳамда «Зомин» маҳалласи Келажак кўчасининг 650 метр қисми шағаллаштирилди. «Халқобод» маҳалласида жойлашган 8 та кўп қаватли уйларнинг пиёдалар йўлагига тош-шағал аралашмаси тўкилиб, аҳолининг қулай ҳаракатланиши учун шароит яратилди. «Бирлик» маҳалласи Истиклол кўчасида 1 дона янги трансформатор ўрнатилди.

«Зомин» маҳалласи ҳудудида носоз ҳолатдаги ичимлик сув қувурлари таъмирланди. «Қўй-итош» маҳалласидаги 6-мактаб ҳамда 1-давлат мактабгача таълим ташкилотига сув қувурлари ётқизилди. «Файзлиобод» маҳалласи Саноат кўчасидаги кўп қаватли уйлар атрофи ободонлаштирилиб, тўпланиб қолган 70 тоннадан зиёд, «Зомин» маҳалласи Бойчечак, Бобур, Семурғ, Меҳмоннавоз, Амир Темура кўчаларида 5 тоннага яқин чиқинди олиб чиқилди.

«Бирлик», «Зомин», «Отаярт», «Равот» ва «Янгиқошлоқ» маҳаллаларида аҳолини суюлтирилган газ баллони билан узулксиз таъминлаш оралиғи 40-45 кундан 30 кунга туширилди. Туман бўйича аҳолига қўшимча жами 66 тонна кўмир маҳсулоти тарқатилди. «Янгиқошлоқ» ва «Равот» маҳалласидаги уй-жойи таъмирга муҳтож, оғир шароитда яшаётган 4 та оиланинг хонадони тўлиқ таъмирлаб берилди.

Ўтказилган тиббий кўриклар натижасида 185 нафар фуқарода турли касалликлар аниқланди. Уларнинг 23 нафари шифохоналарга ётқизилди, 27 нафарига бепул дори-дармон тарқатилди ҳамда 135 нафарига амбулатор шароитда даволаниш тавсия этилди.

Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида «Меҳнат ярмаркаси» ташкил этилди. Унда қарийб 30 га яқин иш берувчилар 2 500 та иш ўрни билан иштирок этди. Яқунда 128 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Зилола ЁРМУҲАМЕДОВА.



2023 ЙИЛДА ҚЎШИМЧА 140 ТА ОИЛАВИЙ ШИФОКОР ПУНКТИ ВА ПОЛИКЛИНИКА, 520 ТА ОЛИС ВА ЧЕККА МАҲАЛЛАДА ИХЧАМ ТИББИЁТ ПУНКТЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ. «ТОШКЕНТ ТАЖРИБАСИ» ЖОЙЛАРДА ТАТБИҚ ҚИЛИНАДИ

Бугун тиббиёт соҳасида кўзланган мақсад аниқ: ҳар бир фуқаро бепул тиббий хизматдан фойдаланиши зарур. Шуниси аниқки, токи энг чекка ҳудудларда сифатли ва замонавий тиббий хизмат кўрсатилмас экан, малакали тиббиёт аҳолига яқинлашиши суғул қолаверади, соғлом турмуш кўрсаткичларида изчил ўсиш кузатилмайди. Хўш, бунинг учун маҳаллаларда нималар қилиняпти? Қандай тажрибалар ҳаётга татбиқ этиляпти?

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг ўтган йили соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очик мулоқоти, тизимдаги устувор вазифалар ижросига бағишланган видеоселектор йиғилиши, шунингдек, 2022 йил 25 апрелдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамани аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, энг чекка ҳудудларда махсус контейнерларда 1 минг 700 та тиббиёт пунктларини ташкил этиш вазифаси белгиланди.

Айни топшириқ ижроси доирасида шифокорлик пункти, оилавий поликлиника мавжуд бўлмаган, улардан узоқда жойлашган маҳаллаларда «Маҳалла тиббиёт пункти» ташкил этилмоқда. Олис қишлоқларда ўрнатилган

бу контейнерларда беморларни қабул қилиш, уларга сифатли амбулатор хизмати кўрсатиш учун етарли шароит яратилган. Бу, албатта, одамларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, уларга ўзлари яшаётган ҳудуднинг ўзида сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имконини бермоқда.

Ўтган йил якунида Тошкент шаҳри маҳаллаларида яна бир шундай тажрибага старт берилди. Гап шундаки, «Тошкент тажрибаси» лойиҳаси доирасида пойтахтнинг 12 та туманида 10 800 та кўп қаватли ўй жойлашган маҳаллалар ҳудудида 170 та маҳалла тиббиёт пунктини барпо этиш ва 540 минг нафар аҳолига тиббий хизматни яқинлаштириш мақсад қилинди. Мазкур лойиҳага Юнусобод туманидаги «Собиробод» маҳалласи тажрибаси асос қилиб олинди.

— Маҳалламизда ўрнатилган тиббий контейнер фаолиятдан бу ерда яшовчи ўнг минг нафарга яқин аҳоли миннатдор, — дейди маҳалла раиси Нигматулла Абдурахимов. — Бу «мини-поликлиника»да битта тиббий бригада фаолият олиб борапти. Барча зарур дори-дармонлар, керакли тиббий буюмлар, жумладан, ЭКГ ва кислород баллонни каби ускуналар билан жиҳозланган, иккита койка, соат 8:00 дан 20:00 гача ишловчи «кундузги стационар»га эга «кичик шифохона»да умумий амалиёт шифокори ва 2 нафар ҳамшира аҳолига мобил тиббий хизмат кўрсатади.

Тан олиш керак, бугун Тошкент шаҳрида 100 га яқин оилавий поликлиникалар мавжуд бўлса-да, пойтахт аҳолиси

эҳтиёжини тўла қондира олмапти. Аҳоли ўсиши, айниқса, охириги 6 йилдаги урбанизация даражасига нисбатан поликлиника хизматлари билан қамраб олиш ортда қолаётир. Исталган поликлиникага боринг, графиги бўйича икки ёки тўрт соат ишлайдиган малакали врачга кўриниш учун тонг саҳарда бориб навбат олиш керак. Буни аёллар, айниқса, болали, ҳомиладор аёллар ҳар кун бўлмаса-да, ҳар ҳафта, ҳар ой ўз танасида ҳис қилишади.

«Собиробод» маҳалласидаги дастлабки натижалар шуни кўрсатдики, бундай маҳалла тиббиёт пунктлари юқоридаги каби ҳолатларни камайтириш билан бирга, диспансер назоратида турган қариялар, ҳомиладор аёллар ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказишда умумий амалиёт шифокорига катта энгиллик беради. Ҳамшираларга шифокоролди тиббий кўриклар учун қулайлик яратади. Аҳолини оддий кўриклар учун поликлиникага қатнаш овозгарчиликларидан халос қилади.

Лойиҳа доирасида яна 40 та контейнер жиҳозла-

ниб, пойтахтдаги 12 та кўп тармоқли поликлиника ва 70 та оилавий поликлиника ихтиёрига топширилади. Улар пойтахтнинг аҳоли гавжум бўлган кўп қаватли уйлари ёнига ўрнатилиши мўлжалланган. Келгуси олти ойда 170 та ана шундай маҳалла тиббиёт пункти пойтахт аҳолисига хизмат кўрсатади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган маълумотга кўра, «Тошкент тажрибаси» лойиҳаси бу билан чекланмаган. Унинг доирасида пойтахтдаги 579 та маҳалла фуқаролар йиғини идораларида «Саломатлик мактаблари» ташкил этиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилган ва бу борада юқори натижаларга эришган фуқароларни рағбатлантириш, телемедицина ёрдамида ҳамширалар орқали беморларни мутахассислар билан боғлаш мақсадида «онлайн патронаж» хизматини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Пойтахтда пилот тарзида амалга ошириладиган лойиҳа олти ойдан сўнг, натижалари таҳлил қилинган ҳолда, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига татбиқ этилади.

Тиббий хизмат қанча яқин ва сифатли бўлса, аҳоли розилиги шунча ортади. Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида тиббиёт соҳасидаги ислохотлар ҳақида сўз юритар экан, 2023 йилда қўшимча 140 та оилавий шифокор пункти ва поликлиника, 520 та олис ва чекка маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилишини маълум қилди. Бунга қўшимча равишда жойларда «Тошкент тажрибаси»нинг жорий этилиши тиббий ёрдам том маънода ҳар бир хонадонгача кириб бориши, ҳар бир фуқарони қамраб олишига хизмат қилади.

Санжар ИБРОҲИМОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Хайру саховатнинг чегараси йўқ

Когон туманида ташкил этилган Тезкор штаб томонидан ёрдамга муҳтож хонадонларни аниқлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Туман ҳокими раҳбарлигидаги ишчи гуруҳи ўрганишларидан сўнг «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан туманнинг «Хўжа яқшанба», «Тунироқ», «Сиёз-поён», «Наврўз», Баҳоуддин Нақшбанд номидаги маҳаллаларида эҳтиёжманд аҳоли вакиллари, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган 80 га яқин хонадонга кўмир ёқилғиси бепул етказиб берилди. Худди шундай, узоқ ҳудудлар – қўшни Навоий вилояти Қизилтепа тумани билан чегарадош «Тунироқ» ва «Наврўз» маҳаллаларида яна 5 тонна атрофидаги кўмир ёқилғиси арзон нарҳда етказиб берилди. Қолаверса, қиш қаҳратони забтига олган шу кунларда ҳудуддаги жами 23 та маҳалладан «Темир дафтар»га киритилган, ночор ва қийин шароитда истиқомат қилаётган фуқаролардан 60 нафарига 9 турдаги кундалик зарур озиқ-овқат маҳсулоти етказилди.

— Халқимизнинг инсонпарварлигини ана шундай ташвишли ва мададга муҳтож бўлган кунда яна бир бор ҳис қилмоқдамиз, — дейди Янги қаллук қишлоғида яшовчи пенсионер Искандар Худойбердиев. — Одамларимиз кўнглидаги меҳр-оқибат сабаб кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдоримиз.



«Ўртачўл» маҳалласи туман марказидан 23 километр, Нурафшон ва Ўбачўли қишлоқлари 15-18 километр узоқликда жойлашган. Айни кунда бу аҳоли пунктларида истиқомат қилаётган юртдошларимиз орасида моддий-маънавий мададга муҳтожлари бор. Айнан шу қишлоқларнинг кам таъминланган ва эҳтиёжманд аҳолиси учун шу ҳафта бошида маҳалла марказида дошқозонда миллий таом — ҳалим тайёрлаб тарқатилди. Хайр-саховатдан Ўбачўли қишлоғида яшовчи Гулшан Эшонқулова, «Ўзбекистон» маҳалласида истиқомат қилувчи Зарина Бекназарова, Геофизика кўрғонида яшовчи Дилдора Бекназарова сингари ўнлаб юртдошларимиз кўнгли кўтарилди.

Қиш фаслининг оғир, синовли кўнларида аҳолининг эҳтиёжманд қатламига кўмак бериш борасида амалга ошириладиган хайрли тадбирлар давом эттирилмоқда.



«Мақсадимиз — билдирилган ишончни оқлаш»



МАҲАЛЛА АҲЛИНИНГ ҲАР БИРИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШ, ДАРДУ ТАШВИШЛАРИГА ҚУЛОҚ ТУТИШ, МУАММОЛАРИГА ЕЧИМ ТОПИШ ЛОЗИМ. ХОНАДОНМА-ХОНАДОН ЎРГАНИШЛАР НАТИЖАСИДА ҚАЙСИ УЙДА ҚАНДАЙ МУҲИТ ҲУКМРОН, ҚАЙСИ ОИЛАГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ КЕРАК, ДЕГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ТОПДИК. ШУНГА АСОСАН, МАҲАЛЛАМИЗНИНГ КЕЛАЖАК РЕЖАСИНИ ТУЗДИК

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Мавсумдан беталофат ўтилади



Куз-қиш мавсумидан беталофат чиқиш, аҳолига зарур ёрдамларни кўрсатишда Фарғона вилояти маҳаллаларида ўрганишлар олиб борилмоқда.

Фарғона вилояти маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ҳолиқов Олтиариқ туманида бўлиб, «Жўрак», «Истиклол», «Оқбўйра», «Чордара», «Эски араб» ва «Фаровон» маҳаллаларидаги бешлик томонидан куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш бўйича амалга оширилаётган хатлов натижалари билан танишди.

Аҳолининг бугунги кундаги муаммолари ва уларнинг ижобий ҳал этилишига қаратилган зарур чоралар кўрилди. Маҳаллалардаги кўп фарзандли эҳтиёжманд оилаларга иссиқ кийим, озиқ-овқат ва кўмир маҳсулотлари тарқатилиб, аҳоли ҳолидан хабар олинмоқда. «Аёллар дафтари»га рўйхатга олиш, фуқароларга ноқонуний газ сўргичлардан фойдаланмаслик, ис газидан заҳарланиш ҳолатларини олдини олиш бўйича тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, Олтиариқ тумани «Фаровон» маҳалла фуқаролар йиғини учун янгидан қуриб битказилаётган маъмурий бино қурилиши билан танишилди.

Мухбиримиз.

Маҳалла институтига берилган эътибор, соҳадаги ислохотлар натижасида раислар аввалгидек, энди топшириқ бажарувчи эмас, ўз ҳудудидаги муҳим шахсга айланди. Уларга катта имконият ва имтиёзлар берилди. Шунга яраша маҳалла раиси бўлиш, бу – жуда катта масъулиятли вазифага айланди.

Бугун ислохотларнинг ҳар бир хонадонга кириб боришида раислар ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари ва профилактика инспекторлари бошини қовуштириб, «хонадонбай» муаммоларни ўрганиб, ҳокимлар олдида аниқ масалалар кўйиб, маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга масъул ва жавобгар.

Маҳалламизда 6 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бири билан яқиндан танишиш, дарду ташвишларига қулоқ тутиш, муаммоларига ечим топиш лозим. 2022 йилда ўтказилган сайловда Андижон тумани «Исломобод» маҳалласи раислигига сайлангач, ишни, аввало, шундан бошладик. Хонадонма-хонадон ўрганишлар натижасида қайси уйда қандай муҳит ҳукмрон, қайси оилага қандай ёрдам керак, деган саволларга жавоб топдик. Шунга асосан, маҳалламизнинг келажак режасини туздик, муаммолар билан ишлаш учун «йўл харитаси» ишлаб чиқдик.

Бунча вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун, аввало, ўзимиз шунга мос шароитга эга бўлишимиз керак эди. Аммо ўша шароитни кимдир келиб қилиб бе-

ришини кутмадик. Шу боис маҳалла биносини таъмирлаб, атрофини ободонлаштирдик. Ҳовли қисми гулзорга айлантирилди. Маҳалла маъмурий биносини таъмирдан чиқариб, мебель жиҳозлари билан таъминладик. Куз-тув камералари ўрнатдик.

Ҳудуддаги кўчаларнинг аҳоли билан танишиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун маҳалла инфратузилмасини яхшилашга қаратилган ишларимиз самарали яқунланди. Жумладан, 2022 йил куз фаслида аҳолини ичимлик сув бўйича мурожастига асосан, 2 км. масофага янги тармоқ тортилди. Натижада Барҳаёт, Чуккур, Нурли диёр кўчаларида яшовчи маҳалладошларимизнинг бир неча йиллик ичимлик сув муаммоси ҳал этилди.

Шунингдек, Заминобод-1 кўчасидаги эски симёғочлар ва электр кабеллар сабабли ҳар йили қиш фаслида электр энергияси билан боғлиқ муаммолар кузатилади. Шу боис уларни ўрнига янги бетон устунлар ва янги кабеллар ўрнатилди. Маҳалламиз аҳолисининг навбатдаги муаммоси табиий газ билан боғлиқ бўлиб, ҳозиргача хонадонлар тармоққа уланмаганди. Фаоллар билан ҳамжиҳатликда 4 км. масофага янги табиий газ тармоғи тортилди.

Шубҳасиз, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва профилактика инспектори билан бир оила бўлиб ишлаганимиз ютуқларимиз асоси, дейиш мумкин. Ҳамкорликда маҳалладаги эҳтиёжманд ва кам таъминланган 180 та хонадонга йил давомида моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди. Натижада маҳалламиз оғир ҳудуддан чиқиб, намунали фуқаролар йиғинига айланди.

Ишсизликнинг олдини олиш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда камбағалликни қисқартиришда ҳоким ёрдамчиси Руслан Умрзоқов билан яхши натижаларга эришдик. 2022 йил давомида 61 нафар фуқарога ўзлари қизиққан йўналишларда имтиёзли кредитлар, 4 нафарига тадбиркорликни бошлаш учун кредит ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Эҳтиёжманд кўп болали, боқувчиси йўқ оила вакилларига субсидия олишга кўмаклашилди. 24 нафар фуқаро касб-ҳунарга йўналтирилди.

Ўз навбатида маҳалламиздаги хотин-қизлар билан самарали иш

ташкил этишда хотин-қизлар фаоли Одинахон Ғофурова яқиндан ёрдам беради. Масалан, 2022 йилда маҳалладаги яқин-ёлғиз боқувчиси йўқ, ишсиз ва эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 68 нафари «Аёллар дафтари»га киритилди. 16 нафарига 5 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилиб, 14 нафари доимий иш билан таъминланди. Оиласида ногиронлиги бўлган 20 нафар, боқувчиси йўқ 18 нафар аёлимизга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Маҳалламиздаги ёшларни яқиндан ўрганиш, муаммоларига ечим топишда ёшлар етакчиси Ойбек Қаҳҳоров яқин кўмакчи ҳисобланади. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, китобхонликка қизиқтириш бўйича маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш мунтазамлик касб этган. Ўтган йилнинг ўзида хатлов натижаларига кўра, «Ёшлар дафтари»га киритилган 21 нафари йигит-қизга амалий ёрдам берилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун маҳаллада яратилган шароитлардан келиб чиқиб, зиммамиздаги вазифани сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиляпмиз. Энг катта мақсадимиз — бизга ишонч билдирган маҳалла аҳлини рози қилиш.



Гулбарно ҒОФУРОВА, Андижон туманидаги «Исломобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



Йўллар равон, ишсизлар ишли бўлди

ОДДИЙ ОДАМЛАРНИНГ СЎЗЛАРИДАН АНГЛАШ МУМКИНКИ, БУГУН УЛАР МАҲАЛЛА РАИСИДАН МАМНУН, УНИ САЙЛАБ АДАШМАГАНИДАН ХУРСАНД. БОИСИ РАИСНИНГ ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН МАҲАЛЛАГА ЎЗГАЧА ФАЙЗ КИРИБ КЕЛДИ

Ёшлигимизда уйимиз олдидаги йўл ёз кунлари чанг бўлса, ёмғирда юриб бўлмасди. Ҳатто транспорт эгаларининг бу йўлдан юришга «юраги» бетламасди. Маҳалламиз раиси ташаббуси билан ушбу йўлга тош ётқизирилиб, равон йўлга айлантирилди. Одамлар оқсоқолга миннатдорлик билдириб, энг катта савобга қолганини ҳалигача ёдга олишади. Халқ орасида йўл қилган, кўприк қурганлар энг кўп савобга эга бўлади, деган гаплар юради.

раиси Эркин Шарипов.

— Одамлар йўли узок бўлса-да бошқа кўчалардан айланиб, манзилига етиб олишарди. Техникалар кўчанинги йўли ёмонлигидан ичкарига киролмасди. Дастурга киритдик, бўлмади. У ёққа, бу ёққа югурдик, бўлмади. Хуллас, кўчада истиқомат қилувчи фуқаролар билан келишган ҳолда йўлнинг носоз жойларига тош тўкиб, ҳашар йўли билан текисладик. Бугун ушбу кўчанинги ёмон йўллари тарихда қолди.

Бундан ташқари, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда жиноятдан ҳоли ҳудудга айлантириш мақсадида марказий кўчаларга кузатув камералари ўрнатилди. Маҳалланинги Навбахор кўчасида Давлат дастури асосида 90 ўринли янги «Эркатой болажон» хусусий болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу билан ижтимоий ҳимояга муҳтож 5 нафар оила фарзандлари иш билан таъминланди. Ҳудуддаги кўплаб ота-оналар фарзандини аввал узокдаги боғчага юборар, улар уйга келгунча хаво-

тирда ўтирарди. Энди бунга ўрин қолмади. Нафақат ота-оналар, балки боғча ёшидаги болажонларнинг азалий орзуси ушалди.

Шу кунларда юртимизда юз бераётган қаҳратон совуқ ўзи билан бир қатор муаммоларни олиб келди. Жумладан, ҳудудларда газ, электр токи ҳамда иссиқлик таъминотидаги узилишлар кузатирилиб турибди. Айти шу мураккаб шароитда маҳалла ходимлари совуқни совуқ демай, йиғин аҳли аҳолидан мунтазам бохабар бўлиб турди.

Айти шу кунларда 1 тоннаси 303 минг сўмдан бўлган кўмир 4 та машинада маҳалланинги марказий кўчаларида тарқатилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган, кўмир тарқатилаётган ерга кела олмайдиган фуқароларга қўлаб уйма-уй юриб, етказиб берилди. Шунингдек, «Саховат ва кўмак» жамғармасидан маҳаллада яшовчи боқувчисини йўқотган 9 нафар фуқарога жами 760 кг. ун тарқатилди.

Ҳудудларда газ, электр токи ҳамда иссиқлик таъминотидаги узилишлар кузатирилиб турибди. Айти шу мураккаб шароитда маҳалла ходимлари совуқни совуқ демай, йиғин аҳли аҳолидан мунтазам бохабар бўлиб турди.

Ҳомийлар томонидан моддий таъминотга муҳтож фуқаролар, жумладан, Тадбиркор кўчасида яшовчи Облақул Эргашев ҳамда Шифокор кўчасида яшовчи Сангин Фозиловага 400 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Шифокор кўчасида истиқомат қилувчи якка-ёлғиз Очилой Ғуломов ҳолидан хабар олиниб, уй ҳужжатларидаги ҳамда электр тармоғидаги камчиликлар тегишли мутахассислар жалб этилган ҳолда бартараф этилди.

— Маҳалла раисимиз жуда жонқуяр инсон, маҳалламизда яшовчи ҳар бир фуқаро учун жон қуйдиради, — дейди Тадбиркор кўчасида яшовчи **Облақул Эргашев.** — Муаммоси бўлса, ижобий ҳал қилишга кўмаклашади. Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмайди. Айтиқса, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан тез-тез хабар олиб туради. Ҳар бир фуқаро учун қайишади. Мана, изғиринли совуқ кунларда маҳаллада яшайдиган фуқароларга кўлидан келганча ёрдам бериб келмоқда.

Оддий одамларнинг сўзларидан шуни англаш мумкинки, бугун улар маҳалла раиси фаолиятдан мамнун, уни сайлаб адашмаганидан хурсанд. Боиси раиснинг ташаббуслари билан маҳаллага ўзгача файз кириб келди. Йўллар равон, ишсизлар ишли бўлди.

**Мансурбек
ЖАББОРОВ.**

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

Аёлларга компенсация қандай тартибда тўланади?

Қонунчиликка кўра, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга тураржой ижара компенсациясини тўлаш ва уй-жойини таъмирлаш тартиби белгиланган. Унга кўра, маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳамда фуқароларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари «хонадонбай» ҳамда уларнинг мурожаатларига асосан ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари раислари ва хотин-қизлар фаоллари томонидан тураржой учун ижара компенсациясини тўлаб бериш бўйича талабномалар шакллантирилади.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга тураржой ижара компенсацияси мазкур талабномалар ҳамда секторлар раҳбарлари ва туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошқаруви ҳуросаси асосида белгиланган тартибда тўлаб берилади.

Бунда:

☑ тураржой ижараси тўғрисидаги шартнома уч томонлама — ижарага берувчи, ижарага олувчи ва туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ўртасида тегишли йилнинг сўнги кунигача бўлган муддатга тузилади;

☑ тураржой ижараси учун тўловларнинг 50 фоизи, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача бўлган қисми «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қўлаб берилади.

Тураржой ижараси учун тўловлар ижарага берувчига тўғридан-тўғри тўланади.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар ва уларнинг бирга яшайдиган оила аъзолари бошқа дастурлар доирасида, ҳомийлик ёки бошқа маблағлар ҳисобидан уй-жой билан таъминланган ёхуд уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича ижтимоий ёрдам (кўмак) олган ёки имтиёзлардан фойдаланган хотин-қизларга Низом асосида тураржой ижара компенсацияси ажратилмайди.

Тураржой ижара компенсацияси тўлаб турилган даврда уй-жой билан таъминланган ёки ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизларга янги тураржойга кўчиб ўтган ойдан бошлаб кейинги ойнинг биринчи санасидан турар жой ижара компенсацияси тўхтатилади. Мазкур тартиб ажратилган тураржой яшаш учун шароити мавжуд бўлган ҳолда хотин-қизлар томонидан кўчиб ўтиш рад этилган тақдирда ҳам қўлланилади.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий уй-жойларга ижара ҳуқуқи асосида беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга кейинчалик узайтириш имконияти билан жойлаштирилиши ёки ҳомийлар томонидан мулк ҳуқуқи асосида уй-жой билан таъминланиши мумкин.

Кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиш учун хотин-қизларга ижтимоий контракт асосида касб ўрганиш, меҳнат қилиш имконига эга бўлса, мустақил ёки аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида ишга жойлашиш бўйича ижтимоий мажбуриятлар юкланади.

Секторлар ишчи гуруҳлари томонидан тегишли мутахассислар жалб қилинган ҳолда, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг уй-жойи ҳолати ўрганилади ва нуқсон далолатномаси ҳамда таъмирлаш ёки қурилиш материалларини олиб бериш бўйича смета ишлаб чиқилиб, «Аёллар дафтари» жамғармаси Вазирлик кенгашига киритилади. Ҳар бир уй-жойини таъмирлаш ишларига «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорда маблағ ажратилади.

МАҲАЛЛАДА ВАҚТИНИ БЕКОР ЎТКАЗАДИГАН КИШИНИ УЧРАТМАЙСИЗ. ҲАММА ҚАНДАЙДИР ФОЙДАЛИ МЕҲНАТ БИЛАН БАНД. КИМДИР ҲУНАРМАНДЧИЛИК, ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНСА, ЯНА КИМДИР ТОМОРҚАДАН ЯХШИГИНА ДАРОМАД ТОПМОҚДА

Даромадли меҳнатга интилиш ва эҳтиёж ортган

«Тинчлик» маҳалласи — Мирзаобод туманидаги энг намунали йиғинлардан бири. 5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи бу ҳудудда замон билан ҳамнафас иш олиб борилмоқда. Ҳудуд замонавий қиёфа касб этиб, тобора чирой очмоқда.

яшовчи маҳалладошларимизнинг турмуш шароитлари, муаммолари ўрганилди, — дейди маҳалла раиси **Ҳасан Худойбердиев**. — Аҳолининг бандлик даражаси, оилаларнинг даромад манбалари, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолати ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжлари таҳлил қилинди. Хатлов натижасида маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришнинг ички имкониятлари, ихтисослашув ва меҳнат ресурсларини инobatга олган ҳолда, деҳқончилик, чорвачилик йўналишлари «ўсиш нуқтаси», деб белгилаб олинди. 2022 йилда жами 269 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди. Уларнинг 32 нафари мономарказ ва нодавлат таълим муассасаларида касб-ҳунарга ўқитилди, 78 нафари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун 1,8 млрд. сўм имтиёзли кредит олди. «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»да турувчи 16 нафар фуқарога субсидия асосида ускуна ва жиҳозлар берилди. 8 нафар маҳалладошимизга турли мақсадлар учун субсидия ажратилди, 43 нафар фуқарога 10 йил муддатга ижара асосида деҳқон хўжалиги юритиш бўйича 50 сотихдан ер участкалари тақсимланди. Бундан ташқари, 15 нафар яқка тартибда фаолият олиб борадиган тадбиркор қўшимча иш ўринлари яратган бўлса, 249 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди.

Маҳалла раисининг қайд этишича, «Темир дафтар»даги 20 нафар оилага 31 млн. сўм, бир нафар 1-гурӯх ногиронининг никоҳ тўйини ўтказиш учун 10 млн. сўм пул маблағи берилди. Яна бир фуқарога мураккаб юрак қон-томир операциясини ўтказиши ва даволаниши учун кўмаклашилди. Кам таъминланган 20 та оилага озиқ-овқат маҳсулотлари етказилди.

Шунингдек, «Аёллар дафтари»га рўйхатга олинган 66 нафар аёлнинг 11 нафарига субсидия асосида тикув машинаси берилиб, бандлиги таъминланди. Яна шунчасига имтиёзли кредит ажратилди.

Натижада уларнинг молиявий аҳволи яхшиланди. Бир нафар ишсиз, 10 нафар боқувчиси йўқ ва 16 нафар I-II-гурӯх ногиронлиги бор аёлларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Реабилитация воситаларига муҳтож юртдошларимизга 2 дона ногиронлик араваси ва 3 дона эшитиш мосламаси ажратилди.

2022 йил маҳалла ёшлари ҳаётида катта ўзгаришларга бой бўлди, десак муболаға эмас. Янги тизим орқали 75 нафар ёшнинг муаммолари ҳал этилди. Жумладан, 26 нафари «Ёшлар дафтари»га киритилиб, 50 сотихдан ер участкалари ажратилди, 1 нафарига сар-тарошлик йўналиши бўйича имтиёзли кредит олинди. 10 нафарига «Ёшлар жамғармаси» маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаси, хизмат кўрсатиш йўналишларида субсидия асосида асбоб-ускуна ва жиҳозлар харид қилинди. 4 нафарига ҳайдовчилик ўқув курси харажатлари, 21 нафарига олий ва профессионал ўқув юртларида ўқишни давом эттириш мақсадида тўлов контракт пулларининг бир қисми қопланди. Бир нафар фуқарога саломатлигини тиклаш мақсадида даволаниш харажатлари тўлаб берилди.

Маҳаллада муаммоларни «маҳаллабай» аниқлаш ва бартараф этиш натижасида одамларни қийнаётган кўп-кўп ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳал этилмоқда. Масалан, Оқмақтаб, Обод кўнги, Ёшлар кўчаларида аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 1,5 км. қисмига янги тармоқ тортилди. Ўз навбатида маҳалла ҳудудидаги 3,5 км. масофадаги кўчаларга тош-шағал тўқилди. Янги кўчаларга 2 дона трансформатор олиб келиниб, 83 дона бетон устунлари ўрна-

тилди. 1,5 км. масофага электр тармоғи тортилди. Маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 2,8 км. узунликдаги 3 та кўча асфальтланди, 0,6 км. масофада бетон йўл қурилди. Маҳалла ҳудудидан ўтувчи зовур тозаланди.

Юртимизда ёши улуг ота-хону мўътабар онахонларимизни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш, ҳар бир эзгу ишни уларнинг дуоси билан бошлаш халқимизнинг узок асрлик урф-одати, миллий анъаналари ҳамда яшаш тарзининг ажралмас қисмига айланган. Маҳаллада бу борада эзгу анъаналар давом этиб, кекса авлод вакилларига ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Утган йили 15 нафардан ортиқ нуронийлар республикамизнинг сўлим гўшаларида саёҳат қилиб қайтишди, 6 нафари сихатгоҳда дам олиб, саломатлигини тиклади. Йил давомида ҳомийлар ёрдамида ижтимоий-иқтисодий ночор, эҳтиёжманд 64 нафар фуқарога моддий ёрдам берилди.

Умуман, маҳалладаги иш жараёнларида одамлар билан суҳбатлашиб, уларнинг юз-кўзидаги хурсандлик, ислохотлардан мамнунлик ҳиссини кўрдик. Энг муҳими, маҳалла аҳолиси бугундан рози бўлиб, эртанги кунга ишонч билан яшамоқда.

Зилола ЁРМУҲАМЕДОВА,
Гулистон давлат педагогика университети талабаси.

Кенг ва равон кўчалар, кўркам уй-жойлар ободликдан, орас-талиқдан нишона. Маҳаллада вақтини бекор ўтказадиган кишини учратмайсиз. Ҳамма қандайдир фойдали иш билан машғул. Кимдир ҳунармандчилик, тадбиркорлик билан шуғулланса, яна кимдир томорқадан яхшигина даромад топмоқда.

— Мавжуд 17 та кўчадаги 920 хонадон тўлиқ хатловдан ўтказилиб, 1 468 та оилада

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Саховат тадбирлари ўтказилмоқда



Юртимизда давом этаётган совуқ об-ҳаво шароитида **Хоразм вилоятидаги барча маҳаллаларда уйма-уй юриб, аҳоли ҳолидан хабар олиш, эҳтиёжманд оилаларга иссиқ кийим, озиқ-овқат тарқатиш, маҳаллаларда иссиқ овқат тайёрлаш пунктларини ташкил этиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар белгиланган.**

Вилоят, шаҳар ва туманлардаги сектор раҳбарлари, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари ҳамкорлигида маҳаллаларда саховат тадбирлари ўтказилляпти.

Янгибозор туманидаги «Жайхун» ва «Ифтихор» маҳаллаларида 100 кг. палов дамланиб, маҳалла аҳолисига тарқатилди. 90 дан ортиқ эҳтиёжманд оилаларнинг 300 нафарга яқин аъзоларига бепул кийим-кечаклар олиб берилди. 130 га яқин хонадонга озиқ-

овқат маҳсулотлари тарқатилди.

— **Оиламизнинг барча аъзоларига иссиқ кийим-кечаклар берилди, — дейди «Жайхун» маҳалласида яшовчи Илҳом Хўжаев.** — Бундан жуда хурсанд бўлдик. Бугунги совуқ кунларда маҳалламизда иссиқ овқат тарқатилляпти. Кўмир ва суюлтирилган газ вақтида етказиб берилляпти. Маҳалламизда фуқароларга яратилган шароитлардан мамнунмиз.

Бу каби саховат тадбирлари вилоятнинг барча маҳаллаларида давом этмоқда.



УЗУМЧИЛИК «ЎСИШ НУҚТАСИ»ГА АЙЛАНГАН

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ВОИШ УСУЛИДА УЗУМ ЕТИШТИРИШ УЧУН БИТМАС-ТУГАНМАС ИМКОНИАТЛАР БОР. КЎЧАЛАРГА ВОИШ ҚУРИБ, ИККИ-УЧ ТУП СЕРҲОСИЛ, ХАРИДОРГИР УЗУМ ТОКЛАРИДАН ЯХШИ ҲОСИЛ ОЛИШ МУМКИН. ШУ БИЛАН БИРГА, КЎЧАЛАР КЎРКАМ ВА ОЗОДА, ЁЗДА САЛҚИН, ВОИШГА ЎРНАТИЛГАН ЧИРОҚЛАР БИЛАН ТУНДА ЁРУҒ БЎЛАДИ

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги «Янги рўзгор» маҳалласида яшовчи фуқаролар узум етиштириш бўйича катта тажрибага эга. Мазкур маҳалла аҳолиси томорқада воиш усулида узум парваришлаб, мўл ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олган, десак, адашмаймиз. Эътибор беринг, мазкур маҳаллада 1 минг 151 та хонадон бўлса, шунинг 800 га яқинида узум воиши мавжуд. 200 хонадон мўъжазгина томорқасида воиш усулида узум етиштириб келаётир.

Ўтган йил баҳорида шу кўчада яшайдиган Ўткир Раҳимов тақлифи билан Нурафшон кўчасининг 400 метр қисмида 200 тупдан ортиқ серҳосил навли узум воиши қурилди. Металл конструкциясидан ихчам ва баланд қилиб барпо этилган воишда «Ризамат ота», «Мерседес», «Кетмонсопи», «Хусайни», «Келин бармоқ» каби навли узумлар етиштириш йўлга қўйилди.

— Касби ўқитувчи бўлган Ўткир Раҳимов уч йил илгари кўчада баланд воиш барпо этиб, ҳовлисининг рўпарасига ўзгача файз киритган эди, — дейди «Янги рўзгор» маҳалласи раиси Мансур Маъмуржонов. — Ўтган йили кўчага тўлиқ воиш қуриб, узум парваришlash ғоясини ўртага ташлади. Бу таклиф қўллаб-қувватланиб, эрта баҳордан ишга киришилди. Намунали кўча сифатида танлаб олиниб, улкан бунёдкорлик ишлари бошланди. Кўчадаги битта воишни бунёд этиш учун 15 миллион сўм маблағ сарфланди. Бунинг учун тижорат банки томонидан имтиёзли кредит маблағ ажратилди. Қувонарлиси, эндиликда кўча янада обод, озода ва салқин, тунда ёруғ бўлиш баробарида аҳолисининг даромад манбаларидан бирига айланмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ў.Раҳимов томорқасининг 4 сотих ерида барпо этган воиш тагида ловия ва мош экилган. Шунингдек, ҳовлининг айвонидаги ишқомда мўл узум ҳосили товланиб турибди. Ҳар қарич ердан оқилона фойдаланаётган оила соҳибининг айтишича, ўтган йили томорқасидан қирқ миллион сўмга яқин қўшимча даромад олган.

Воиш усулининг афзал томони нимада?

Энг аввало, айтиш керакки, қишлоқ жойларида воиш усулида узум етиштириш учун битмас-туганмас имкониятлар бор. Кўчаларга воиш қуриб, икки-уч туп серҳосил, харидоргир узум тоқларидан яхши ҳосил олиш мумкин. Шу билан бирга, кўчалар кўркам ва озода, ёзда салқин, воишга ўрнатилган чироқлар билан тунда ёруғ бўлади. «Янги рўзгор»даги ободлик шундан далолат беради.

Озодалиқ ҳақида сўз кетганда, маҳалладаги ўзига хос бир анъанага тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Гап шундаки, ҳудудга ташриф буюрган кишида анвойи гуллар солланиб турган кўчаларнинг тоза, озодалиги ва қурилиш бўлаётган уйлarning кўча қисмида ҳам биронта қурилиш материали ёки чиқиндиси йўқлиги катта қизиқиш уйғотди.

Айтишларича, маҳаллада азалдан бир анъана шаклланган. Шунга кўра, кўчада тозалик ва озодалиқка риоя этмаган оила койилиб, дашном берилмайди, дили оғритилмайди. Балки кўчага чиқинди тўккан ёки қурилиш материални ҳовлисига киритмай, кўчада қолдирган инсон маҳалланинг тўй ёки бошқа тадбирлариға маълум муддат таклиф этилмайди. Лўнда қилиб айтганда, тадбирлардан четлатилади. Шу боис ҳар бир оила нафақат ҳовлиси, балки кўчанинг ободлиғига алоҳида эътибор билан қарайди. Фақат махсус транспорт келгач, аҳоли уйда тўпланган чиқиндиларни кўчага олиб чиқади.

Маҳалла одамлари тиниб-тинчимайди. Йиғиннинг Жума Пирназаров кўчасида яшайдиган Холидин Ботиров 10 сотих майдонда воиш усулида «Ризамат ота», «Шоҳона», «Мерседес», «Хусайни» навли узум етиштиришни йўлга қўйган. Отахоннинг томорқасида 70 туп, кўчада 5 туп ток парваришланмоқда. Оиладаги 7 кишига ихчамгина узумзор қўшимча ризқ улашади. Шу кўчада яшайдиган Абдуғаффор Тоиров томорқасида 110 туп ток парваришланмоқда. Узумзорда уч оила меҳнат қилади. Томорқадаги мўъжазгина узум боғи хонадондаги ўн жонга яхши даро-

мад келтирмоқда.

— Эсимизни таниганимиздан бери узумчилик билан шуғулланиб келамиз, — дейди узумчилик ҳадисини олган А.Тоиров. — Узумчилик — отамерос. Баҳордан кузгача меҳнатини қилиб, қараб, вақтида ўғитини, дорисини берамиз. Ҳосилни олгандан кейин бозорга олиб бориб сотмаймиз: экспортчилар ўзлари келиб, пул тўлаб, тарозига қўйиб, ўзлари узиб олиб кетишяпти. Ҳозирда «Ризамат ота», «Президент», «Келин бармоқ», оқ ва қора «Хусайни», «Шоҳона» навли узумларимиз боғимизни яшнатиб турибди. Боғни янгиллаганимизга тўрт йил бўлди. Ёш узумзордан ўтган йили 50-60 миллион сўмдан зиёд даромад олдик. Бу йил даромадимизни юз миллион сўмдан ошириш режамизда бор.

Маҳалла соҳибкорларининг таъкидлашича, узум парвариш-лашнинг ўзига хос сиру синоати мавжуд. Эрта баҳорда навдаларни чилпиш керак. Уз вақтида ширага, чанг ва шўрлашга қарши қайта ишлов бериш лозим. Маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклан-тириш, меъёрида сўғориш, яхши ривожланмаётган ғўраларни ўз вақтида узиб олиш керак. Ана шунда воишдан мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин.

Маҳаллада эрта узиб олинаётган ғўралар шу пайтгача исроф бўлган ёки чорва моллариға берилган бўлса, бу йил ғўрадан сирка олиш синовдан ўтказилмоқда. Демак, энди ғўра ҳам исроф бўлмайди. Ундан қўшимча даромад олиш ўзлаштирилмоқда.

Санжар ИСМАТОВ.

Маҳалланинг Нурафшон кўчасида 114 та хонадон бор. Бу файзли хонадонларнинг қай бирига кирманг, узум воиши кўзингизни қамаштиради.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Раис ёрдами билан ишга жойлашдим...»



Яккабоғ туманидаги «Эсат» маҳалласи раиси Эркин Тоғаев ташаббуси билан ҳомийлар томонидан Галабўта қишлоғида яшовчи, эҳтиёжманд оила Б.Йўлдошев ва Кўчактепа қишлоғида яшовчи Д.Рўзиева хонадонига 50 кг.дан ун, 5 литр ўсимлик ёғи маҳсулоти берилди.

Шу маҳаллада яшовчи, боқувчиси йўқ Г.Ибрагимованинг туман ҳокимиға иш масаласида қилган мурожаатидан сўнг, мазкур мурожаат назоратға олиниб, туман ҳокими ўринбосари ва маҳалла раиси ташаббуси билан фуқаро тумандаги «Маданият» текстиль фабрикасиға ишга жойлаштирилди. — Очиғи, етишмовчиликдан анча қийналиб қолгандик,


— дейди Г.Ибрагимова. — Тўғри, маҳалла фаоллари бир кун эътиборсиз қолдиришмади, бироқ «Қўлдан берганга қуш тўярмиди?» Қолаверса, ишлашға имкониятим етарли, фақат иш топиш масаласи қийнаётганди. Мана, маҳалла раиси ёрдами билан фабрикаға ишга жойлашдим. Энди бу ерда оладиган маошим оиламиз эҳтиёжларини тўла

қоплайди.

Шунингдек, маҳалла раиси аралашуви билан яна бир боқувчисини йўқотган оилаға туман газ таъминоти корхонаси томонидан бир дона газ баллони берилди. Фуқаролар мазкур савобли ва хайрли ишлардан мамнун, улар Э.Тоғаевни раис сифатида танлаб адашмаганидан хурсанд.

«БИР МАҲАЛЛА — БИР МАҲСУЛОТ»

«Қорағуппа»да бирорта бекор юрган одам йўқ



МАҲАЛЛАДА БЎЛСАНГИЗ, КЎЧАДА БИРОРТА БЕКОР ЮРГАН КИШИНИ УЧРАТМАЙСИЗ. БАРЧА ЁШУ ҚАРИ ИШ БИЛАН БАНД: КИМДИР ТАДБИРКОРЛИК ҚИЛЯПТИ, БОШҚАСИ МЕБЕЛЧИГА ШОГИРД ТУШГАН, ЯНА БИРИ ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР УСТИДА БОШ ҚОТИРГАН, ЎЗ ШАХСИЙ БРЕНДИНИ ЯРАТИШГА ОШИҚҚАН

Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг доимий ва қўшимча даромад манбаига эга бўлишига шароит яратиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ҳудудларда «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Бунда ҳар бир маҳаллани аниқ бир йўналишга ихтисослаштириш, имтиёзли кредитларни мавжуд шароит ва оилаларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биргина мебелчилик соҳасини оладиган бўлсак, қатор ҳудудларда маҳаллалар айни шу йўналишга ихтисослаштирилган. Бу бежиз эмас. Зеро, ҳозирда ички бозорда мебел маҳсулотларининг улуши 5 триллион сўмдан ошмоқда. Биргина давлат ташкилотларининг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжи 1 триллион сўмни ташкил қилади. Республикада 15 мингта мебел ишлаб чиқарувчи корхона мавжуд, ўтган йили улар томонидан 1,5 триллион сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган, лекин бор-йўғи 22 миллион долларлик экспорт амалга оширилган.

Шу боис барча ҳудудларда бўлгани каби Самарқанд ва Пастдарғом туманларидаги саккизта маҳалла мебел маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Масалан, Пастдарғом туманининг «Қорағуппа» маҳалласидаги 695 та хонадоннинг 65 тасида 169 нафар уста мебелсозлик билан шуғулланмоқда. Уларга муносиб шарт-шароит яратиш ҳамда фаолиятини кластер усулида ташкил этиш мақсадида маҳалла ҳудудидан 2,5 гектар ер майдонида мебел маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зонаси ташкил этилди.

— Маҳалламизда 4 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади ва уларнинг 2 100 нафардан ортиғини аёллар ташкил этади, — дейди «Қорағуппа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Шарипов. — Аҳолининг катта қисми корхона-ташкilotларда ишлайди. Уй шароитида касаначилик, хунармандчилик, савдо ва хизмат кўрсатиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик соҳаларида ишловчилар кўпайиб бормоқда. Шунингдек, 695 та хонадон 286,5 гектар томорқа майдонида иссиқхона, чорва, парранда, асалари, балиқ, қуён боқишни йўлга қўйган. Иш билан бандлик юқори бўлгани учун маҳалламизда кам таъминланган оилалар деярли қолмади, ажраллишлар кескин камайди, оилавий жанжаллар ҳам сезиларли равишда пасайди. Асосийси, ишсизлик муаммоси бартараф этилди.

Бу айтишга осон, аммо қишлоқларда аҳоли бандлигини таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Кўп йиллар аввал ёшларимиз ишсизликдан қийналишарди. Кейин маҳалламиздаги усталар шогирдлар тайёрлаб, шу ерда мебелсозлик корхоналарини ташкил этишди.

Шу тариқа деярли ҳар бир хонадон мебел ясаш билан шуғулланди. Ҳозир маҳалламизда 100 нафардан зиёд мебел ясовчи усталар бор. Уларнинг ҳар бири 5-10 нафардан ёшларга шу касбни ўргатмоқда. Маҳалламизда кичик саноат зонаси ташкил этилди. Шу пайтгача тадбиркорлар уй шароитида кичик устахонада мебел ясаётган бўлса, эндиликда ўз ишлаб чиқариш корхоналарида фаолиятини давом эттириш имконияти яратилди.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Жўрабек Рўзиевнинг айтишича, кичик саноат зонасида умумий қиймати 20,4 миллиард сўмлик ўн та лойиҳа ишга туширилади ва 365 та янги иш ўрни яратилади. Ҳозиргача 7 та лот сотилиб, лойиҳаларни амалга оширишга киришилган. Шу билан бирга, зарур инфратузилма яратилмоқда. Шу мақсадда 5 километр йўл қурилиб, 2 километр сув ва 3 километр табиий газ тармоғи, 1,5 километр масофага янги электр тармоғи тортиляпти. Ҳар бири 25 сотихлик лотларда тадбиркорлар томонидан лойиҳаларни амалга ошириш бошланди.

Маҳалланинг энг ёш тадбиркорларидан бири Руфат Қаршиев 25 ёшда. У қарийб 10 йилдан буён мебел ясайди Буюртма асосида тайёрланадиган 10 турдан ортиқ бежирим мебеллар вилоятдан ташқари пойтахт бозорларидан ҳам ўрин олади. Ёш бўлишига

қарамай, ўн нафарга яқин тенгдошини иш билан таъминлаган. Ёки бўлмаса, Илёс Мўминовнинг оилавий корхонасида маҳалладаги 20 нафарга яқин ёш, хотин-қизлар иш билан таъминланган. И.Мўминов кичик саноат зонасида 2023 йилнинг биринчи чорагида корхона очиб, фаолиятини бошламоқчи. Бундай уста тадбиркорлар маҳаллада кўпчиликни ташкил этади.

— Мебел ишлаб чиқариш фаолиятини 2010 йилда бошлаганмиз, — дейди «Меҳр мебел» оилавий корхона раҳбари Наби Эшнаев. — Бугунги кунда 50 турдан ортиқ қаттиқ ва юмшоқ мебелларни юртимиз бозорларига ҳамда қўшни Тожикистон Республикасига етказиб берамиз. Айни пайтда Қозоғистондан харидорлар бор, аммо буюртмага корхонамиз қуввати етмаяпти. Шу боис маҳалламизда ташкил қилинаётган кичик саноат зонасида янги корхона қуриш бўйича лойиҳани бошладик. 950 донга мебел ишлаб чиқариш қувватига эга, қиймати 2 миллиард 500 миллион сўмлик лойиҳани амалга оширишни режалаштирганмиз. Бунда қўшимча 50 та янги иш ўрни яратилиб, ишчилар сони 100 нафардан ошади. Шунингдек, мебелсозлик учун зарур бўлган хомашё — ёғоч етиштириш ҳам режамизда бор. Бунинг учун тегишли тартибда қўшимча ер олиб, павловния етиштиришни йўлга қўймоқчимиз.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллада бўлсангиз, кўчада бирорта бекор юрган кишини учратмайсиз. Барча ёшу қари иш билан банд: кимдир тадбиркорлик қиляпти, бошқаси мебелчига шогирд тушган, яна бири янги лойиҳалар устида бош қотирган, ўз шахсий брендини яратишга ошиққан. Буни кузатиб, мебелсозлик ҳар қандай маҳалла ёки микроҳудуд учун муҳим ва истиқболли соҳа эканига амин бўласиз.

Санжар ИСМАТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Олис ҳудудларда оғир муаммолар бор



Узун туманининг олис «Янгиобод» маҳалласида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, вилоят ҳокимлиги масъуллари иштирокида аҳоли мурожаатлари тингланди.

Айтиш керакки, туманинг энг олис ҳудудда жойлашган бу маҳаллада одамларни қийнаётган қатор муаммолар бор. Энг асосийси, бу — ичимлик сув. Одамлар уни узоқдан ташиб ичишга мажбур. Қиш-қиронли кунларда бу масала янада қийинлашади. Қишда лой, ёзда чанг кўчалар ҳам янгиободликларни анчадан бери ўйлантириб келади.

— Қишлоғимиз олис ҳудуд сирасига киради, шу боис бу ерга раҳбарлар ҳар доим ҳам келавермайди, — дейди маҳалла фаоли Абдукарим Жумаев. — Бироқ сўнгги йилларда маҳалламизга кўплаб мутасадди вакиллар келишди. Шу ҳудуддан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатимиз Мавжуда Ҳасановнинг навбатдаги қабулида кўплаб муаммоларни ўртага ташладик. Хусусан, одамларимизни тиббий хизмат билан таъминлаш учун қишлоқ врачлик пункти, болаларимизнинг таълим олиши учун боғча қуриш зарур. Бу масалалар жорий йилда ҳал бўлишини кутяпмиз.

Учрашувда ҳудуддаги кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинди, дору-дармон ва зурур озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.



Самарқандда «Аёллар дафтари»га кимлар киритиляпти?

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ 1 126 ТА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИНИНГ ҲАР БИРИДА ИШЧИ ГУРУҲЛАР ХАТЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОЛИБ БОРМОҚДА. ҲОЗИРГАЧА УЙМА-УЙ ЮРИШ ОРҚАЛИ 60 МИНГГА ЯҚИН АЁЛНИНГ МУАММОЛАРИ, ЭҲТИЁЖЛАРИ АНКЕТА-СЎРОВНОМАЛАРИ АСОСИДА ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Юртимизда аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламини манзилли ҳимоя қилиш мақсадида яратилган тизим – «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари», «Меҳр дафтари»нинг йўлга қўйилиши ўзини оқлади. Истайсизми-йўқми, ҳар бир маҳаллада кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, доимий даромад манбаига эга бўлмаган хонадонлар бор. Камбағал аҳоли тоифаси ҳақида ҳам бугун яширмасдан гапириш мумкин.

Тўғри, шу пайтгача ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари, тегишли ташкилотлар орқали аҳолининг бу қатламларига давлат томонидан кўмак, аниқроғи нафақа берилар эди. Худуддаги саховатпеша қилшлар ҳам имкон қадар уларга ёрдам кўрсатарди. Аммо бу ёрдамлар ўша оилаларнинг бир ёки беш кунига яраган, кейин яна эски ҳолат давом этаверарди. Эндиликда «хонадонбай» ўрганиш, раҳбарларнинг маҳаллага тушиб ишлаши натижасида кўмакка муҳтож оилга бир ёки икки марта ёрдам бериш муаммога ечим бўлмаслиги, уларни бу вазиятдан чиқариш учун ҳеч бўлмаганда бир йил-олти ой рағбат, эътибор зарурлиги тан олинди.

Шу асосида чора-тадбирлар белгиланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган «дафтар»лар айнан шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Самарқанд вилоятидаги маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида «Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқичини шакллантириш ишлари бошланди.

Таъкидлаш керакки, «Аёллар дафтари»нинг биринчи ва иккинчи босқичлари доирасида вилоятда 81 мингдан ортиқ хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатилган бўлса, ўтган йил учинчи босқичда ижтимоий шароити оғир, ёрдамга муҳтож 65 минг 920 нафар хотин-қиздан 65 минг 854 нафарига амалий ёрдам берилди. Жумладан, 28 570 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланди. Бу мақсад учун 10,7 миллиард сўм маблағ сарфланди. Кредит олиб, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 2 680 нафар бекаларга 32,8 миллиард сўм кредит ажратилди. Боқувчиси бўлмаган, эҳтиёжманд 15 777 нафар хотин-қизнинг 15 760 нафарига 18,1 миллиард сўмлик амалий ёрдам кўрсатилди.

— Шу пайтгача фақатгина турмуш ўртоғининг топгани билан рўзгор тебратиб келардик, — дейди Окдариё туманидаги «Янги қишлоқ» маҳалласида яшовчи Юлдуз Исроилова. — Аммо бу уч нафар фарзанднинг еб-ичиши, кийиниши учун камлик қиларди. Шу сабабли дафтарга тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар қаторида қайд этилган эдим. Банк томонидан 24 миллион 900 минг сўм имтиёзли кредит ажра-

тилиб, ҳовлимизда иссиқхона қуриб берилди. Қўни-қўшнилардан иссиқхонада ишлаш, даромад олишни ўргандик. Ишласа, битта рўзгорга етгулик даромад қилиш мумкин экан. Кредитнинг асосий қарзини қайтаришни ҳам бошладик.

— «Аёллар дафтари»га киритилганман, — дейди Иштихон туманидаги «Қўнғирот» маҳалласида яшовчи Манзура Назарова. — Мени ва турмуш ўртоғимни ишсизлик муаммоси қийнар эди. Таваккал қилиб ер олиш мақсадида танловда қатнашиш учун онлайн ариза топширдим. Қўл телефонимга ғолиб бўлганим ҳақида хабар келди. Шунингдек, Давлат хизматлари маркази томонидан ғолибларга деҳқон хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтиш хизмати ҳам кўрсатилди. Авваллари бир ҳужжат тўғрилаш учун қанча сарсон бўлар эдик. Аҳамиятисиз, кўрсатилган хизматлар бепул. Берилган буюмлардан унумли фойдаланиб, ажратилган ердан мўмай даромад қилишни ният қилганимиз.

Дафтарларда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган 11 622 нафар хотин-қиз қайд этилиб, шу пайтгача уларнинг 11 618 нафарига 12,3 миллиард сўмлик ёрдам берилди. 657 нафар уй-жойга муҳтож хотин-қизларга белгиланган тартибда 23,5 миллиард сўм ажратилди. Учинчи босқичда қарамоғида ногирон фарзанди мавжуд 6 570 нафар эҳтиёжманд хотин-қизлар рўйхатга олинган эди. Улар 7,1 миллиард сўмлик амалий ёрдамдан баҳраманд бўлди.

«Аёллар дафтари» тизимининг тўртинчи босқичини ташкил этиш бўйича тегишли ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар

билан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Вилоятдаги 1 126 та маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳар бирида ишчи гуруҳлар хатлов жараёнларини олиб бормоқда. Улар ишини мувофиқлаштириш бўйича туман ва шаҳар штаблари фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозиргача уйма-уй юриш орқали 60 мингга яқин аёлнинг муаммолари, эҳтиёжлари анкета-сўровномалари асосида хатловдан ўтказилди.

Бу йил ҳам олти йўналишда хотин-қизлар дафтарга киритилади. Яъни ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишсизлар, тадбиркорлик қилиш истагида бўлганлар, боқувчисини йўқотган эҳтиёжмандлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган аёллар, нотулар жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргалликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган ҳамда қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанд мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар рўйхатга олинмоқда.

«Аёллар дафтари»га киритиладиган хотин-қизларга амалий ёрдам бериш ишларини мониторинг қилиб бориш мақсадида «Индивидуал анкеталари»ни юришти тартиби йўлга қўйилган. Бу анкеталарда ҳар бир хотин-қиз ҳақидаги маълумотлар, унга ким, қачон ва қандай ёрдам бериши ёзилади. Дастлабки таҳлилларга кўра, бу гал вилоятдаги 818 мингга яқин 30 ёшдан юқори хотин-қизлар билан юзма-юз суҳбат ўтказилиб, анкета-сўровномалар тўлдирилади ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тахминан 108 мингга яқин опа-сингилларимиз «Аёллар дафтари»га киритилиши кутилмоқда.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Аёллар дафтари»га рўйхатга олиш бошланди



Жорий йилда Андижон вилоятида «Аёллар дафтари»га 91 минг нафар аёлни киритиш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш белгилаб олинган. Айни кунда тўртинчи босқич «Аёллар дафтари» рўйхатини шакллантириш бўйича зарур ишлар олиб бориламоқда.

Жалақудуқ тумани маҳалларида уйма-уй юриб, ўттиз ёшдан юқори бўлган барча аёллар рўйхатга олинмоқда. Уларни қийнаётган муаммолар аниқланмоқда, қизиқиш ва имкониятлари ўрганилмоқда. Ана шундан келиб чиқиб, рўйхатга олинаётган хотин-қизлар турли йўналиш ва тоифаларга ажратилапти. Бу жараёнда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, «Оқила аёллар» ҳаракати фаоллари, мутасадди ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Рўйхатга олиш жараёнида хотин-қизларга об-ҳаво ўта совуқ бўлаётган шу кунларда яшаш хоналарини иссиқ сақлаш, кўмир ва ис газидан заҳарланишининг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, ёш болаларни совуқ ҳавода кўп юришига йўл қўймайлик юзасидан тушунтириш ва тавсиялар берилмоқда.

Айни кунларда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида тўртинчи босқич аёллар дафтари шакллантириш бўйича ишлар қизғин давом этмоқда.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

/ ЭХТИРОМ

Ҳақиқатгўй
ижодкор

Пойтахтимизда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, атоқли журналист ва публицист Шароф Убайдуллаев таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида журналист Шароф Убайдуллаев ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи видеолава намойиш этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Турсунхон Худойбергенов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Қудратилла Рафиқов, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Беҳзод Мусаев ва бошқалар бугунги янгиланиш жараёнларида турли соҳалар раҳбарлари ҳисса қўшган ҳамюртларимизни эъзозлаш, уларнинг заҳматли меҳнатини қадрлашга устувор эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев фарзандлар, ёш авлод тарбиясида ёши улғу инсонлар, нуронийларимизнинг бой ҳаётий тажрибасидан самарали фойдаланиш зарурлигини доимий таъкидлайди.

Миллий журналистикамиз, айниқса, босма журналистика соҳасида катта ва машаққатли йўлни босиб ўтган Шароф Убайдуллаев адолатли ижодкор бўлиши билан бирга, доим халқимиз муаммоларини дадил кўтариб чиққан журналистдир. Ижодкор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари, «Ўзбекистон овози» тахририятида бош муҳаррир сифатида самарали меҳнат қилган. Кўплаб хорижий давлатларнинг етакчи давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи ва шоирлари, мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги, илм ва маърифат, маданият соҳалари ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли инсонлар ҳақидаги залворли суҳбатлар, интервьюлар, публицистик мақолалар, халқимизни ўйлантираётган муаммоларнинг илдизини дадил очиб бериш, уларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтириш Шароф Убайдуллаев ижодида муҳим аҳамият касб этади.

Тажрибали журналист бугунги кунда ҳам юртимизнинг ижтимоий ҳаётида фаолдир. Маҳаллалар, нуронийлар ҳаётини ўрганиш, уларнинг муаммоларига ечим топиш, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида «Уч авлод учрашувлари», турли мулоқотлар, маърифий тадбирларнинг ўтказилишида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, 2021 йилда Шароф Убайдуллаев «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА.

ОШДАГИ ТАРТИБСИЗЛИК:
инсонийлик маданиятимиз
қачон ўзгаради?

ОДАМЛАР НАВБАТГА ТУРИШ ДЕГАН ГАПНИ ЭСИДАН ЧИҚАРИБ ҚЎЙИШГАН. ТАНИШ-БИЛИШ ЁКИ ЖАНЖАЛ ҚИЛИБ ИШИНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА ОДАТЛАНИШГАН. КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОДАМЛАРГА ҲАММАДАН КЕЙИН ЭЪТИБОР БЕРИШАДИ

Халқимиз азалдан ошхўр бўлган. Ахир «пулингдан бир пулинг қолса ҳам ош е, кунингдан бир кунинг қолса ҳам ош е» деган мақол бекорга айтилмаган. Хонадонларда йўқ деганда, ҳафтада бир бор ош қилиниб, оила даврасида баҳам кўришади. Тарихга назар соладиган бўлсак, буюк саркарда Амир Темур бобомиз ҳам аскарларига жангдан сўнг катта қозонларда ош дамлаб тарқатган. Бугунги кунда ўзбек ошининг довруғи дунёнинг кўплаб мамлакатларида танилган. Шу боис юртимизга келадиган саёҳатчилар ўзбек ошини емасдан юртларига қайтишмайди.



Шу ўринда савол туғилади: аслида тарқатилган текин ошлар кимлар учун эдию, кимларга насиб этди? Кам таъминланган ва кўмакка муҳтож оилалар эсдан чиқиб қолишмадими?

миқдордан ташқари баъзи «маданиятсиз» инсонларнинг тоғоралаб уйига ош олиб кетиши дилни хира қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизматининг хабарига кўра, ош тарқатилган манзилларга егуликка муҳтож оилалар, кам таъминланганлар, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси, Ободонлаштириш бошқармаси ҳамда Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари келишлари мумкинлиги ҳақида хабар эълон қилинган. Аммо ижтимоий тармоқларда тарқалган видеоларда юқорида кўрсатилган ташкилот ходимлари ва кам таъминланган одамлар қолиб, шароити борлар «текин ош тарқатилган экан» дея келиб, навбат талашаётганини кўриш мумкин.

Барака топишин, баъзи бир маҳалла раислари ташаббус кўрсатиб, маҳалласидаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ўзгалар кўмакка муҳтож, «Темир дафтар»даги оилаларга текин ошдан уйма-уй юриб, тарқатиб чиқишди. Бироқ ҳамма маҳалла раислари ҳам шундай қилдими? Улар совуқда уйларидан чиқишга эринишдими? Узоққа бормайлик, шу каби оммавий тадбирлар кўпгина хорижий давлатларида ҳам ўтказилади ва аҳолига маълум муддат текин озиқ-овқатлар тарқатилади. У ернинг одамлари «навбат» талашини ўрнига биринчи навбатда кам таъминланган, ҳимояга муҳтож одамларга кўпроқ эътибор бе-

ришади. Ундан кейин бошқалар тартибни сақлаган ҳолда навбат-навбат туриб озиқ-овқатдан олишади.

Бизда-чи? Бизда одамлар навбатга туриш деган гапни эсидан чиқариб қўйишган. Таниш-билиш ёки жанжал қилиб ишини ҳал қилишга одатланишган. Кам таъминланган, ҳимояга муҳтож одамларга ҳаммадан кейин эътибор беришади. Қачон бизда ҳам тартибга риоя қилинар экан? Қачон ўзимизни эмас, ҳақиқатда кўмакка муҳтожларни биринчига қўйишни ўрганамиз? Қачон инсонийлик маданиятимиз ўзгаради?

Мансурбек
ЖАББОРОВ.

/ МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Мурожаатлар вилоят ҳокимининг эътиборида...



Айни вақтларда кузатилаётган аномал совуқ шароитида аҳолидан ҳудудлардаги тезкор штабларга келиб тушаётган мурожаатларни ҳал этиш, уларнинг турмуш тарзидан хабардор бўлиш куннинг долзарб вазифасига айланган.

Шу мақсадда Навоий вилояти ҳокими Нормат Турсунов Кармана туманининг «Талқоқ», «Сарой» ва «Вомитан» маҳаллаларидаги хонадонларга кириб, иситиш ҳолати, электр энергияси таъминоти ҳамда турмуш тарзини яхшилаш борасида дуч келаётган муаммоларни ўрганди.

Учрашув чоғида вилоят ҳокими қиш фаслининг кутилганидан совуқ келиши барча учун синов бўлгани, бу даврда ҳар бир хонадоннинг ёритилиши ва иситилиши учун барча мутасаддилар оёққа тургани, айни пайтда нуроний отахон ва онахонлар ёш авлодга электр энергиясини тежаш, табиий

газни исроф қилмаслик ҳақида ўғит ва насиҳатлар қилиши ҳам фойдадан холи бўлмаслигини таъкидлади.

Вилоят раҳбарининг «Вомитан» маҳалласидаги 2 та ва «Сарой» маҳалласидаги 1 та хонадонга ташрифи чоғида уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим қилинди ва хонадон эгаларини қийнаётган муаммолар тингланди. Аҳоли вакиллари томонидан кўтарилган масалаларнинг ҳал этилиши Н.Турсуновнинг шахсий назоратига олинди.

Шу билан бирга, вилоят ҳокими Кармана туманидаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан хабар олди.

ҚАЙСИ ҚУДУДЛАР «ТУРИЗМ ҚИШЛОҒИ»ГА АЙЛАНТИРИЛАДИ?

**ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК
ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА
УШБУ ҚИШЛОҚЛАРДА
МЕҲМОН УЙЛАРИ ТАШКИЛ
ЭТИШГА 50 МИЛЛИОН
СЎМГАЧА, ЎТОВ ЛАГЕРЛАРИ
ВА ЭКО-УЙЛАР МАЖМУАСИГА
300 МИЛЛИОН СЎМГАЧА,
ЧОДИРЛИ ЛАГЕРЛАР ҚУРИШГА
300 МИЛЛИОН СЎМГАЧА
КРЕДИТЛАР БЕРИЛАДИ**

Хар қандай мамлакат маҳаллий аҳолисининг маданияти, анъаналари ва турмуш тарзи ўша ернинг ўзига хос туристик салоҳияти ҳисобланади ва муҳими — буни қўлдан бой бермаслик лозим. Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан 2019 йилдан эътиборан энг юқори туризм салоҳиятга эга бўлган фуқаролар йиғинлари (шаҳарча, қишлоқ, овуллар ҳамда шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларнинг маҳаллалари) рўйхати шакллантира бошланди.

Бунда фуқаролар йиғинлари ҳудудларида 20 тадан кам бўлмаган оилавий меҳмон уйлари яратилган тақдирда ва сайёҳлар учун камида беш хил хизмат тури (яшаш ва/ёки овқатлантириш хизматларидан ташқари) кўрсатилган тақдирда, уларга «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақоми берилади. 2020 йилдан бошлаб мазкур мақомга эга бўлган фуқаролар йиғини «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига киритиб келинмоқда.

2023 йилда Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Башир қишлоғи туризм қишлоғига айлантирилмоқда. «Ҳазрати Башир» зиёратгоҳи айнан шу қишлоқда жойлашган. Зиёратгоҳи номи шу жойда яшаб ўтган авлиё Ҳазрати Султон Саид Аҳмад Башир (1368-1464) номи билан боғлиқ.

2022 йилда «Ҳазрати Башир» зиёратгоҳига 400 мингдан ортиқ маҳаллий ва хорижий турист ташриф буюрган. Ушбу маскан нафақат бетакрор табиати, балки ўзига хос тарихи билан эътиборни жалб қилиб келади. Бу ердаги чашмадан саратонда муздек, тип-тиник, шифобахш сув оқиб туради. Шу сабабли зиёратгоҳга келаётган аксарият туристлар, албатта, бу сувдан ичиб, ўзлари билан олиб кетишади.

— Ҳазрати Башир умри давомида одамларни меҳрли, оқибатли, диёнатли бўлишга, ҳалол ризқ топишга, ўз қўл кучи билан яратилган маҳсулотни истеъмол қилишга чақирган ва ўзи бу борада ўрнак бўлиб келган, — дейди «Башир» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўйчи Муродов. — Манбаларга кўра, Ҳазрати Башир қишлоқдаги Ниёзтепада дафн

этилган. Эл орасида «Ҳазрати Башир қабри олдидаги арча дарахти у кишининг ҳассаси бўлган», деган ривоят юради. Айтишларича, Ҳазрати Башир ота ҳассасини улоқтириб, «Қаерга бориб тушса, ўша жой менинг қабрим бўлади», деган эканлар. Ҳасса йўғон томони билан ерга қадалиб қолади. Шунинг учун бошқа дарахтлардан саёхатчилар кўп равишда унинг паст томони ингичка, юқори томони йўғондир. Бу тилсимот, албатта, туристларни бефарқ қолдирмайди.

Башир қишлоғи Қашқадарё дарёси бўйида жойлашган. Баланд-баланд чинорлар қишлоққа кўрк бериб туради. Худуд тоғ билан ҳам туташиб кетган. Шунинг учун бу ерда ёз ойлари юртимизнинг турли вилоятлари ва хорижий мамлакатлардан саёхатчилар кўп келади. Улар Ҳазрати Башир отани зиёратгоҳини зиёрат қилиш билан бирга, дарё бўйида дам олишади.

Қишлоқда зиёрат туризми, экотуризм ва агротуризм ривожланган. Жорий йилда қишлоққа ташриф буюрадиган сайёҳлар сонини 700 мингга етказиш ва қишлоқни туризм қишлоғига айлантириш учун қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда бу ерда 20 дан зиёд оилавий меҳмон уйи фаолият юритмоқда. Бу хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун худудда кўпроқ қолиш ҳамда маҳаллий халқ турмуш тарзи билан яқиндан танишиш имконини беради.

Наманган вилояти Янги-қўрғон туманидаги Нанай қишлоғига жорий йилда «Туризм қишлоғи» мақомини бериш бўйича амалий ишлар бошланган. Бу вилоят ҳокимининг 2023-2024 йилларда туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш тўғрисидаги қарорига асосан амалга

оширилмоқда.

Айтиш керакки, Нанай қишлоғи бир вақтнинг ўзида 2 500 нафар сайёҳни қабул қила олади. Шундан 150 та уй меҳмонхонаси 1500 та сайёҳга, бошқа дам олиш масканлари эса 1000 та сайёҳга хизмат кўрсатиш имконига эга. Айни дамда қишлоқда қўшимча туризм турлари ва хизматларини ривожлантириш мақсадида экстремал туризм, спорт ва отда сайр хизмати, 10 та овқатланиш шохобчаси, 10 дан кўп савдо нуқтаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, қишлоқда 150 дан ортиқ оилавий меҳмон уйи, 20 тага яқин гастрономик хонадон, шунингдек, хунарманд (уй) фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда инфратузилмаларни яхшилаш белгиланган. Шу билан бирга, туризм қишлоғида 400 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. 2023-2024 йилларда хунармандчилик маркази, 2023-2025 йилларда селфи худудлари, 7 та автотураргоҳ, 10 та йирик дам олиш масканлари қурилиши кўзда тутилган.

Худди шундай, Навоий вилояти марказидан 180 километр, Нурота тумани марказидан 120 километр узоқликда, баланд тоғлар орасида жойлашган Сентоб қишлоғини туризм манзилига айлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Қишлоқнинг табиати, маданий мерос объектлари, тоза ҳавоси, миллий таомлари ва қишлоқ ҳаёти маҳаллий ва хорижий сайёҳлар эътиборини тортган.

— Худудни «Туризм қишлоғи»га айлантириш мақсадида 20 та оилавий меҳмон уйи, 3 та хостел ҳамда 15 турдаги туризм хизматлари ташкил этилди, — дейди «Сентоб» маҳалла фуқаролар йиғини

раиси Мурод Мирзаев. — Жумладан, қуроқчилик, гилам тўқиш, эчки сутидан тайёрланган қурут ва сут маҳсулотлари савдоси, ҳолва савдоси ва ҳолва тайёрлаш бўйича маҳорат дарси, миллий таомлар тайёрловчи 23 та гастрохонадон, уй музейи, 20 та экскурсия хизмати, отда сайр, каштачилик, агротуризм хизматлари (сигир ва эчки соғиш), нон ёпиш бўйича маҳорат дарси, сувенир маҳсулотлари савдоси хизматлари йўлга қўйилди. Бу орқали 200 нафарга яқин ишсиз аҳоли доимий иш ўрнига эга бўлди.

Қишлоқда мавжуд 12 та маданий мерос объектлари ва диққатга сазовор жойлар, 15 та табиат манзараси (тоғ, сув, булоқ) худудларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 16 та туризмга ихтисослашган объект туризм маршрутига киритилди.

Туризм инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида қишлоққа олиб борувчи 5 км. ички йўл таъмирланди, тунги ёритиш чироклари, 2 та пиёдалар кўприги, 2 та селфи худуд, 3 та санитария-гигиена шохобчаси, Сентоб қишлоғининг рамзий кириш стеллоси, 1 та туристик ахборот маркази қуриб битказилиб, фойдаланишга шай ҳолатга келтирилди. Маҳаллий ва хорижий сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида Сентоб қишлоғининг 3 кунлик турпакети ишлаб чиқилди.

Амалга оширилган барча чора-тадбирлар натижасида Сентоб қишлоғи Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) томонидан навбатдаги «Best tourism villages» («Энг яхши туризм қишлоғи») лойиҳасига номзод сифатида киритилди.

Санжар ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ижодий гуруҳ:
**Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ**

Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyī» МЧЖ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 4 босма табоқ.
8 430 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-118
Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

